

ISSN 2181-9521

№ 6-son, 2020



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 2020 ЙИЛ 30 ИЮНЬ КУНИ
ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ВА
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ
ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН
ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИФИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.**



Унда Давлатимиз раҳбари судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишларига таъсир ўтказувчи барча омилларни бартараф этишга қаратилган бир қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди:

2018-2019 йилларда биринчи инстанция судларида жами 192 та жиноят иши бўйича 307 нафар шахс оқланган бўлса-да, ҳеч қайси ҳолатда прокурор айбловдан воз кечмаган. Шу боис тергов жараёнидаги хатолар суд мажлисида аниқланса, прокурор суднинг тугашини кутиб ўтирмасдан, ўз ташаббуси билан айбловдан воз кечадиган тартиб жорий этилиши лозим;



Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириши ҳуқуқини бекор қилиш керак;

Судлар чиқараётган қарорлар фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиши лозим;

Илгор тажрибалар ва халқаро стандартлар асосида суд тизимини “бир суд – бир инстанция” тамойили асосида қайта кўриб чиқиш керак;

Суд тизимида эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган “назорат тартибида ишларни кўриш” амалиётидан тўлиқ воз кечиш керак;

Ҳамма раҳбарлар қулогига қуйиб олсин, суд фаолиятига аралашшига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ;

Судьянинг фаолиятига тўсқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришига мажбурлагани учун жавобгарликни кучайтириш зарур.

“ODILLIK MEZONI”
илмий-амалий,
ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Бехзод МЎМИНОВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Гулчехра ГУЛЯМОВА

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8-сон қарори
билан юридик фанлар бўйича диссерта-
циялар асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-рақам билан
кайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба қайд
этилиши керак.

Босишга 1.07.2020 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12
Адади 2300

Баҳоси келишилган нархда

“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Юнусобод тумани,
Олой кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Кун мавзуси

6-бет

**“Суд биносига келган
ҳар бир инсон Ўзбекистонда
адолат борлигига ишониб
чиқиб кетиши керак!”**



Халқаро тажриба

14-бет



**Меҳнат ҳуқуқларининг
судлар томонидан
ҳимоя қилиниши**

Ибрат

17-бет

**Бургутнинг ҳаёт
фалсафаси**



Менинг фикрим

18-бет



**Пандемия шароитида
давлат харидлари:
қонунчилик ва уни
такомиллаштириш**

Тадқиқот, таҳлил

20-бет

**Судларда прокурор
ваколати:
муаммо ва ечим**



Мутахассис мулоҳазаси

24-бет



**Фуқаролик кодекси –
қундалик турмушимиз
ҳуқуқий негизи**

Мухим мавзу

27-бет

**Маиший зўрликдан
жабрланган шахсларнинг
ҳуқуқий ҳимояси**



Киёсий таҳлил **30-бет**



Далиллар ва исботлаш: Германия тажрибаси

Моҳият **32-бет**



“Мени каттиқ таъсирлантирган ҳолат...”

Халқаро ҳуқуқий муносабат **34-бет**



Давлатлараро инвестициявий низолар қандай ҳал этилади?

Тингловчи минбари **37-бет**



Судга қадар иш юритиш босқичида процессуал қарорлар ва ҳаракатлар устидан шикоят қилиш

Эксперт фикри **38-бет**



Мажбурий меҳнатнинг салбий оқибатлари

Менда мулоҳаза бор **40-бет**



Прокуратура органларида суд қарорларини ўрганиш институти

Бола ҳуқуқи **43-бет**



Болаларни муносиб ҳаёт шароитлари билан таъминламаслик оқибати

Инсон ва қонун **46-бет**



Меҳнат муносабатларидаги моддий жавобгарлик

Мулоҳаза **48-бет**



Маъмурий суд иш юритувида судловга тааллуқлилиқ

Жараён **52-бет**



Суд карантин қоидаларини бузганликда айбланган шахсни айбсиз деб топди

Правовый аспект **54-бет**



Усыновление (удочерение) – сложный правовой институт

Intellectual property **57-бет**



Strengthening trademark rights and protection in Uzbekistan

About investing **60-бет**



Term of subjects of investment activity: theoretical and comparative legal analysis

Фуқаролик жамияти **63-бет**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузурида Ҷамоатчилик кенгаши тузилди

“СУД БИНОСИГА КЕЛГАН ҲАР БИР ИНСОН ЎЗБЕКИСТОНДА АДОЛАТ БОРЛИГИГА ИШОНИБ ЧИҚИБ КЕТИШИ КЕРАК!”



Мамлакатимизда сўнгги уч йил давомида амалга оширилган демократик ўзгаришлар, айниқса, суд ҳокимияти мустақиллигини амалда таъминлаш борасида кўлами ва моҳияти нуқтаи назаридан улкан ислоҳотлар натижасида суд органлари фаолиятида туб ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 30 июнь куни ушбу ислоҳотларни изчил давом эттириш, одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган гоялар суд амалиётидаги баъзи бир озғиқли муаммоларнинг ечим топишига ва судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишларига таъсир этувчи барча салбий омилларни бартараф этишга асос бўлади.

Қуйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатида — видеоселектор йиғилишида Давлатимиз раҳбари томонидан соҳа ходимлари зиммасига юклатилган вазифалар, берилган топшириқлар, унинг ижроси билан боғлиқ бажарилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида судьялар ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.



**Убайдулла МИНГБӨЕВ,
Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган юрист:**

– Алоҳида таъкидлашни истардимки, Давлатимиз раҳбари кейинги уч йил ичида икки марта судьялар билан очиқ мулоқот ўтказиб, суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлаш бўйича ўзларининг қимматли маслаҳатларини бериш баробарида уларнинг зиммасига янгидан-янги вазифалар ҳам юкламоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, Президентимиз ўз дастурий маърузалари ва чиқишларида давлат ва жамият ҳаётида адолатни қарор топтириш суд идоралари орқали амалга оширилади, деб кўп бора такрорлайдилар. Куни кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам яна бир бор: “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб, чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби!” – дея алоҳида таъкидладилар.

Ушбу талаб, суд тизимида 53 йилдан ортиқроқ вақт давомида ишлаб келаётган судья, қолаверса, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги

конституциявий принцинга риоя этилиши таъминлашга кўмаклашадиган судьялар ҳамжамиятининг органи – Судьялар олий кенгашининг раиси сифатида менга катта масъулият юклади.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда "...халқ суд-ҳуқуқ тизимидан рози дейишга ҳали асос йўқ." Боиси, жорий йилда аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг 8 мингдан зиёди ёки 44 фоизда судларда ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани ёки иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибда кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиги, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилганлигидир. Демак, қуйи судларнинг қарорлари юқори турувчи инстанциялар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши суд ишларининг ҳар томонлама юқори савияда кўриб чиқилганлигига шубҳа туғдиради. Мен узоқ йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган қарор қонуний, асосли ва адолатли, бир сўз билан айтганда мукамал бўлиши шарт.

Суд тизимини ислоҳ қилиш доирасидаги амалий ишлар ҳақида гап кетганда, Судьялар олий кенгаши фаолиятига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Судьялар олий кенгаши Президентимиз раислигида ўтказилган одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги масалалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида кўйилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш устида иш бошлади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, юксак инсоний фазилатларга эга, касб нуқтаи назаридан профессионал судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни, энг муҳими холисликни таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Бугунги кунда Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимларига энг муносиб номзодларни танлаб олиш учун ҳам шаклан, ҳам моҳиятан янги тартибда уч босқичдан иборат синов имтиҳонлари жорий этилди. Бу имтиҳонларда судьяликка талабгорларнинг билими, дунёқараши, маънавияти қай даражада эканлиги синовдан ўтказилади. Ушбу Кенгаш ташкил этилган пайтда мамлакатимиздаги вакант судьялик ўринлари 40 фоиздан ортиқни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бўш судьялик ўринлари 13 фоизга тенг.

Хулоса қилиб айтганда, 30 июнда ўтказилган видеоселектор йиғилишида муҳтарам Президентимиз томонидан суд тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган таклиф ва ташаббуслар қонун устуворлиги таъминланган, замонавий, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат – янги ЎЗБЕКИСТОНда "суд – адолат кўргонига айланиши" га хизмат қилади.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари:



– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар суд соҳасига оид бугунги куннинг барча талабларини ўзида мужассамлаштиради.

Дарҳақиқат, инсоният азалдан адолатли жамият барпо этишга интилиб яшайди. Суд-ҳуқуқ тизими эса ана шу орзуларни рўёбга чиқариш, жамиятда адолат барҳаётлигига масъулдир. Суд адолатли қарорлар чиқарар экан, қонун устуворлигига эришилади. Йиғилишда Президентимиз томонидан таъкидланганидек, парламент аъзолари жойларда халқ билан очиқ мулоқот ўтказган пайтда жамоатчилик ушбу йўналишлардаги мавжуд адолатсизликларни очиқ-оёдин баён қилди. Ҳа, биз депутатлар халқ ичига чуқур кириб борганимиз сайин уларнинг ҳаётидан тўлиқ бохабар бўлмоқдамиз. Афсуски, мурожаатларда мансабдор шахслар, давлат идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти билан боғлиқ шикоятлар кўп. Уларни биргаликда ҳал қилишга келишиб олиб, бу билан янги ислохотларга дастлабки қадамни аллақачон кўйиб улгурдик. Президентимизнинг кўрсатмаларидан сўнг одил судловга кўмаклашиш, тергов жараёнларини шаффофлаштириш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар олиб боришни галдаги вазифа сифатида белгилаб олдик.

Президентимиз судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатувчи барча омилларни, шу жумладан, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш таклифини илгари сурди. Ҳозирда фракция аъзолари ҳамда партия экспертлари ушбу таклифни кўриб чиқиш устида бош қотирмоқдалар. Судьянинг фаолиятига

тўсқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришга мажбурлагани учун жавобгарликни кучайтириш масаласининг кўтарилгани айти мурдаодир. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастурида суд тизимини комплекс ривожлантириш, судларнинг мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш каби масалалар устувор вазифаларимиз ва адолатли жамият қуришнинг муҳим шартидир.

Юртбошимиз томонидан адвокатура одил судловнинг ажралмас қисми сифатида тилга олингани жуда ўринлидир. Бинобарин, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уни муносиб ҳимоя қилишда адвокатура институтининг ўрни ва роли беқиёс. Бу борада партиямиз суд жараёнида адвокатура ва прокуратура ҳуқуқларининг тенглик принципини таъминлаш учун курашади. Видеоселектор йиғилишида ҳам адвокатлар мавқеини ошириш ва фаолиятини мустаҳкамлаш хусусида бир қанча таклифлар берилди. Жумладан, давлат томонидан тақдим этилган адвокатларни танлашнинг очиқ тартиби йўқлиги боис айрим терговчилар ўзига таниш адвокатларни чақириб, айбланувчига таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради. Бунинг олдини олиш учун эса тегишли вазирликларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга туширилади. Судларга электрон мурожаат этиш ва уларни онлайн кузатиб бориш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш аҳоли учун қулайлик яратишидан ташқари тизимнинг шаффофлашуви ва адолат унинг асосий мезонига айланиши учун хизмат қилади.

**Комил СИНДАРОВ,
Судьялар олий
мактаби директори
ўринбосари, юридик
фанлар доктори:**



– Муҳтарам Президентимиз томонидан судьялар ва суд тизими ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган ушбу видеоселектор йиғилишини диққат билан тинглаб, бугун суд ҳокимияти вакиллари кечаги кун билан яшай олмаслигини яна бир бор ҳис қилдим. Ўйлаб кўринг, сўнгги уч, уч ярим йил давомида судьяларни қўллаб-қувватлаш, жамиятда уларнинг нуфузини ошириш билан боғлиқ қанчадан-қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Айнан шунга қаратилган 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шубҳасиз, буларнинг замирида мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичидаги устувор масала, давлат ва жамиятнинг стратегик мақсадига айланган – инсонпарварлик сиёсати ётади. Аслида, суд ҳокимиятининг бош мақсади ҳам шудир.

Суд тизимини ислоҳ этиш борасидаги амалий ишлар ҳақида гап кетганда, мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта Судьялар олий кенгаши ҳузурида ташкил этилган Судьялар олий мактаби фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан ташкил этилган Судьялар олий мактабида ўтган давр мобайнида, судьяликка номзодларни тайёрловчи бир йиллик магистратура курсига 60 нафар тингловчи қабул қилинган, 249 нафар судья ва 85 нафар суд ходимларининг малакаси оширилган, 15 нафар судья раҳбарлик лавозимларига қайта тайёрлаш курсида ўқитилган. Судьялар олий мактаби ўқув дастурларига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда судья ва суд тизими ходимлари учун энг зарур бўлган ўқув машғулоти киритилган.

Айни пайтда мамлакатимиздаги пандемия туфайли жорий этилган карантин даврида Судьялар олий мактабида масофадан туриб (онлайн) ўқитиш тизими йўлга қўйилган. Магистрлар учун 2020 йил март ойидан бошлаб барча дарслар масофадан туриб ўтилмоқда. Июнь ойида барча ҳудудлар қамраб олинган ҳолда жиноят ва маъмурий судлар судьяларининг икки ҳафталик малака ошириш курслари ҳам масофадан туриб амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари йиғилишда судьяларни ўқитишда масофий таълимни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Бу бежиз эмас, сабаби, бугунги кун шуни тақозо этмоқда.



Президентимиз томонидан қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 3 июль куни Судьялар олий мактабида суд амалиётининг долзарб масалаларига бағишланган онлайн халқаро конференция ўтказиш режалаштирилди. Унда Япония Адлия вазирлиги Халқаро ҳамкорлик департаменти вакили судья Куроки Коута, Нагоя иқтисодий университетининг профессори Ичихаши Кацуя, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти эксперти Сафинас Ахаева, шунингдек, маъмурий, жиноят ва иқтисодий суд ишларини юриятаётган бир қатор судьялар ва бошқа миллий экспертларнинг маърузалари тингланади.

Конференция видеоконференцалоқа режимида ялпи ва икки секция мажлиси шаклида ташкил этилади. Хусусан, “Суд амалиёти: хорижий ва миллий тажриба” номли ялпи йиғилишда маъмурий акт ва уни маъмурий орган ташаббуси билан бекор қилишдаги айрим чекловлар, маъмурий суд иш юритувида судга мурожаат қиладиган шахслар доираси – учинчи шахслар таҳлили мисолида, вояга етмаганларни жиноят судлови доирасидан чиқариш тажрибаси, прокурор томонидан процессуал қонунчиликни қўллаш масалалари муҳокама этилади. Бундан кўзланган асосий мақсад, одил судловга эришишнинг энг муҳим омилларидан бири – судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб, етарлича билим ва тажрибага эга, мустақил қарор қабул қилиш салоҳиятига эга бўлган, шу билан бирга юксак маънавиятли судьяларни тайёрлаш ҳамда амалдаги судьяларнинг малакасини ошириб боришдир.

Дилшод ТАДЖИБАЕВ,
Жиноят ишлари
бўйича Тошкент вилоят
судининг раиси:



– Ўз-ўзидан маълумки, адолат, қонунийлик ва одил судлов тушунчалари бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни айрича ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Устозимиз Убайдулла Қурбонovich таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилаётган суднинг ҳар бир ҳукми ёки қарори қонуний, асосли ва албатта адолатли бўлиши шарт. Халқимизнинг “Адолат қиличи кесган қўл оғримас” деган мақолида ҳам айтиш шартки маъно мужассамдир.

Қайд этишимиз лозимки, суд ҳокимияти коррупцияга қарши курашишда алоҳида ўрин тутди. Чунки, суд ҳокимияти ўзининг бир қанча муҳим белгилари билан давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан ажралиб туради. Шу белгиларни ҳисобга олганда, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа механизмларга нисбатан афзалликлари, шак-шубҳасиз, жуда муҳимдир.

Айнан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўли билангина жамиятда адолатни тўла қарор топтириш ва коррупцияга қарши самарали курашиш мумкин.

Судьянинг мустақиллиги, холислиги, беғаразлиги, ҳалол ва поклиги, адолатлилиги, ҳар бир жамият учун ўта долзарб масала бўлиб келган ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Шу маънода, ушбу видеоселектор йиғилишида муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев жойлардаги раҳбарларга қарата “Бир нарсани билинглар – сармоя киритаётган инвестор, биринчи навбатда, ўз ҳуқуқлари суд орқали кафолатли ҳимоя қилинишига эътибор беради. Ҳамма раҳбарлар кулоғига қўйиб олсин: суд фаолиятига аралашшига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ” – дея таъкидлади.

Эндиликда, муҳтарам Президентимизнинг ушбу топшириғи асосида судьянинг фаолиятига тўсқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришга мажбурлагани учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Таъкидлашимиз лозим, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти, туман (шаҳар) судлари томонидан шахсларнинг асосий жиноий жавобгарликка тортилишининг олди олинмоқда ва уларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари тикланмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоят судлари томонидан 2017-2019 йиллар ва 2020 йилнинг 6 оyi давомида жами бўлиб 193 шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ушбу рақамлар биров кеч бўлса-да, адолат тантанаси қанча оилаларга қувонч олиб келганидан дарак беришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бунинг замирида оқлов ҳукмларининг чиқарилиши одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. Видеоселектор йиғилишида барча ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини “Инсон қадр-қиммати – энг олий қадрият” махсус ўқув модули бўйича ўқитиш, тергов сифати ва ходимлар малакасини ошириш мақсадида Тергов институтини

ташқил этиш ва терговчилик касбини эгаллашга мутлақо янги талаблар ишлаб чиқиш, соҳага илғор тажриба ва стандартларни жорий этиш, суд мажлисида тергов жараёнидаги хатолар аниқланганда прокурор ўз ташаббуси билан айбловдан воз кечиш тартибини жорий этиш таклифлари билдирилди.

Шунингдек, фуқаролар, тадбиркор ва инвесторларни ортиқча сарсон қилмаслик ва уларга қулайлик яратиш мақсадида, халқаро стандартлар асосида суд тизимини “бир суд – бир инстанция” тамойили асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда судлар ва уларнинг фаолиятини оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва юқоридаги йиғилишда муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган таклифлар жамиятимизнинг ҳар бир аъзосида мутафаккир шоир Алишер Навоий таъкидлаганидек “Адолат ва қонунийлик – халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асосидир” деган эзгу ният пайдо бўлишига хизмат қилади.

Аъзамжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилояти
иқтисодий
суди раиси:



– Дастлаб, алоҳида таъкидлашни истардимки, одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш Давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида туради. Сабаби, давлат ва жамият тараққиёти бевосита ана шу иккита омил билан чамбарчас боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кун судьяларининг олдида жуда масъулиятли вазифалар турибди. Айни пайтда биз ушбу вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги ишларни бошладик. Видеоселектор йиғилишида Олий Мажлис палаталари етакчилари бошчилигида парламент аъзолари жойларда халқ билан очиқ мулоқот ўтказган пайтда жамоатчилик ушбу йўналишлардаги мавжуд адолатсизликларни очиқ-ойдин баён қилганлигини, ушбу тажриба асосида, бундан буён депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчиликни жалб қилган ҳолда одил судловга кўмаклашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар ўтказиб бо-

ришлари лозимлиги алоҳида таъкидланди. Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, Сирдарё вилоятида “Сенатор – Кенгаш – судлар” мавзусида брифинглар ташқил этишни режалаштирдик.

Мазкур брифингда вилоят судлари раислари ўз фаолиятлари юзасидан батафсил ахборот беришади. Бундай тадбирларда Олий Мажлис Сенати аъзолари маҳаллий кенгашлар депутатлари иштирок этади ҳамда уларга судлар фаолияти яқиндан таништирилади. Шу билан биргаликда одил судловни таъминлашда мавжуд муаммолар, тўсиқлар ва уни бартараф этиш масалалари атрофича муҳокама қилинади.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ана шунда “аҳоли томонидан кўтарилган адолатсизлик ҳолатлари ва муаммолар ҳар чорақда маҳаллий кенгашларда танқидий муҳокама қилиниб, мутасаддилар олдида аниқ саволлар қўйилади ва масъулиятига баҳо бериб борилади”. Пировард натижада одил судлов таъминланиб, коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллашади.

Абдулла Муҳиддинов,
Чилонзор туман
маъмурий судининг раиси



– Йиғилишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул бўлган айрим идора ва вазирликларнинг фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар қаттиқ танқид қилинди. Бундан кўпчилик хулоса қилдики, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш шахсан давлат бошлигининг назоратида. Дарҳақиқат, бу муҳим масала давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Яна бир муҳим соҳа ҳақида Президентимиз алоҳида тўхталиб ўтдилар. Яъни одил судловни таъминлашда бевосита иштирок этувчи адвокатлардир. Давлатимиз раҳбари йиғилишда адвокатура институти ҳақида тўхталар экан, уни одил судловнинг ажралмас қисми, деб эътироф этди. Агар адвокатура институти одил судловнинг ажралмас қисми бўлса, Ўзбекистонда бугун 4 мингга яқин адвокат фаолият кўрсатаётгани ва 8,5 минг аҳолига ўртача битта адвокатнинг тўғри келиши, қолаверса шуларнинг 43 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият юритиши, бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўплигидан далолат беради. Президентимиз адвокатлик фаолиятини бошлаш

учун ёш мутахассислардан талаб этиладиган 2 йиллик юридик малака мавжуд бўлиши ҳақидаги қондан бекор қилиб, ундан кўра талабалик давридан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартибини жорий қилиш таклифини илгари сурдилар. Соҳанинг илмий салоҳиятини ҳам мустаҳкамлаш мақсадида юридик йўналишдаги олий ўқув юртларида “адвокатлик фаолияти” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш амалиёти жорий этиладиган бўлди. Бу вазифалар ижроси мамлакатимизда адвокатура институтининг ривожланишида ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Суд амалиётидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, одил судловни таъминлашда тергов органларининг ҳам бевосита иштироки бор. Кўпчилик билади, агар тергов органлари томонидан юритиладиган жиноят ишида шахс (айбланувчи)га нисбатан асосли айблов қўйилса, кейинчалик бу иш судда кўрилаётган вақтда турли расмиятчилик ва оворагарчиликлар келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилади. Тергов органларининг фаолиятини камситмаган ҳолда айтиш керакки, сўнгги вақтларда бу билан боғлиқ жиддий муаммолар вужудга келмоқда. Шунинг учун, Президентимиз бу соҳани такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар қўйди.

**Қаҳрамон ИСАРОВ,
Жиноят ишлари
бўйича Янгийўл шаҳар
суди раиси:**



– Мамлакатимизда одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишга қаратилган барча ислохотларнинг замирида битта гоя турибди. Бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлаш. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “одамларни рози қилиш”. Табиий савол туғилади, қачон одамлар рози бўлади? Судьялик касб фаолиятимдан келиб чиқиб жавоб берадиган бўлсам, албатта, суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетсагина, одамлар рози бўлади. Лекин, бунинг учун барча судьялар чиқараётган суд ҳужжатлари, қарор, ажрим, ҳукмлар қонуний, ҳар томонлама асосли ва адолатли бўлиши шарт. Акс ҳолда, суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониши қийин бўлади.

Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар

муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз шу гоёнинг амалда ўз ифодасини топиши учун бир қатор ташаббусларни илгари сурди.

Жиноят ишлари бўйича суд амалиётидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, жиноят ишини судья кўриб чиқишида тергов сифати жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам Тергов институтининг ташкил этилиши тўғрисидаги ташаббус ўз вақтида ва тўғри илгари сурилди. Энди янги ташкил этиладиган институтда таҳсил оладиган мутахассислар терговчилик касбини эгаллашига бугунги давр талабларини ҳисобга олиб, мутлақо янги талаб ва ёндашувлар асосида ўқитилиши лозим. Албатта, бу даргоҳда терговчиликдек мураккаб ва масъулиятли соҳага оид илғор тажриба ҳамда стандартлар жорий қилиниши одил судловни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари кўплаб маърузаларида ва аҳоли билан мулоқотларида “Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт” дея таъкидлайдилар.

Барча ижтимоий муносабатларни тартибга солишда, қолаверса, давлат ва жамият ҳаётида адолат қарор топишида судья ва суд тизими ходимларининг фаолияти ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, бугунги кун судьяси ва тизим ходимлари ўз фаолиятларига мана шу муҳим мезондан келиб чиқиб ёндашиши лозим. Ҳар биримиз билим ва тажрибамизни тинимсиз ошириб боришимиз, қарор қабул қилишда етти ўлчаб эмас, агар айтиш лозим бўлса, етмиш ўлчаб бир кесишимиз, энг муҳими ҳамиша виждон амрига қулоқ тутиб ишлашимиз ва яшашимиз шарт деб ҳисоблайман.

**Толиб БАЙЗАКОВ,
Жиноят ишлари
бўйича Самарқанд
туман суди раиси:**



– Видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида тергов органлари асоссиз айб қўйган 323 нафар фуқаро оқланган, 1854 нафар шахсга нисбатан қўйилган айбловлар асоссиз деб топилган. Ўтган 2019 йилда 236 нафар оқланган шахсга давлат ҳисобидан

6,7 миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар ундириб берилган. Бугунги пандемия ва қийин иқтисодий шароитда бюджет томонидан қопланаётган зарар соҳанинг ҳар бир мутахассисини жиддий ўйлантириши ва ўз касбига алоҳида масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Бўлажак судьяларни бугунги кун талаби асосида тайёрлаш, судья ва суд тизими ходимларининг малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Келгусида судьялик лавозимини эгаллаш учун муайян иш малакасига эга бўлиш, Судьялар олий мактабини ўқиб тугатиш каби талабларнинг кучайтирилгани жуда ўринли. Адолатли, холис ва қонуний қарор чиқариш судьядан кўп билим ва тажриба талаб этади. Президентимиз судларда ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётганлиги, чўзилаётгани, айниқса, апелляция, кассация ва назорат тартибидан кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиги бекор қилинган ёки ўзгартирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ҳар бир суд ишининг орқасида инсон ҳаёти, тақдири ёки қай бир инвесторнинг ҳуқуқи ётади. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида адолатнинг қарор топиши муҳим вазифа этиб белгиланган. Бугунги кун ҳар бир судья ва суд тизими ходимидан кундалик фаолиятини қайтадан, чуқур танқидий таҳлил қилиб чиқишга, ўзи чиқараётган ҳар бир қарор учун жавобгарликни ҳис этишга ундайди.

Йиғилишда таъкидланганидек, судлар чиқараётган қарорлар фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиши

лозим. Айрим судьялар тергов материалларига боғланиб қолгани эса қонун, суд ва давлатнинг обрўсига путур етказиши қайд этилди. Одил судлов халқнинг кўз ўнгида, очиқ-ошкора амалга оширилиб, доимо адолат қарор топишида барча судьялар ўзларини масъул ҳисоблаб, тегишли хулоса чиқаришлари шарт. Судьялар тергов органлари тўплаган далилларнинг мақбулликни атрофлича ўрганиб, текшириб иш жараёнида ўзи ҳолатга баҳо бериши учун суд терговини ўтказиши лозим. Акс ҳолда баъзан тўпланган далиллар судьяни хато қарор чиқаришга сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

**Валишер КАРАМАНОВ,
Деҳқонобод туман
маъмурий суди раиси:**



– Устозларимиз ва ҳамкасбларимизнинг юқорида билдириб ўтган фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда айтишим керакки, ҳақиқатдан ҳам Давлатимиз раҳбари томонидан видеоселектор йиғилишида илгари сурилган ғоялар судларнинг том маънодаги “адолат уйи”га айланишига амалий таъсир кўрсатади. Масалан, ушбу мажлисда ҳозирги тергов сифати ва ходимлар малакаси талабга жавоб бермаслиги, айрим ҳолларда тергов органлари далилларни шафқатсиз қийноқ усулларини қўллаган ҳолда тўплаши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунинг учун ҳам Андижон шаҳар ва Чироччи туман ички ишлар идораларида яқинда содир бўлган фожиали ҳолатлар алоҳида таъкидланди. Минг афсуски, бундай ҳолатлар қонун устувор бўлган, демократик мамлакатда содир бўлиши ачинарли ҳол. Очиқ айтиш керак, мана шу икки ҳолат ҳам жамоатчиликнинг жуда катта эътирозига сабаб бўлди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларнинг муҳим жиҳатларидан бири бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мансабдор шахсларнинг фаолиятида очиқлик, шаффофликни таъминлаш бўлди. Биз судьялар ҳам фаолиятимиз давомида бугунги давр талаби бўлган очиқликка алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Мана шундай жиддий ислохотлар ўтказилаётган бир пайтда суд – одил судловни амалга оширувчи нуфузли давлат органи сифатида гавдаланиши ва албатта, унда фаолият юритаётган судьяларнинг барчаси



адолатни рўёбга чиқаришни мақсад қилган ҳалол, фидойи ва пок ниятли, юксак инсоний фазилатларга эга бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий Фармони билан судьялар ва суд тизими ходимларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамиятда обрў-эътиборини янада ошириш каби муҳим вазифалар белгиланган эди. Бугунги кунда ушбу Фармонда назарда тутилган вазифалар ўз ижросини топди. Судьяларни ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида жуда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Мухтасар қилиб айтганда, Давлатимиз раҳбари томонидан бизга билдирилаётган юксак ишончни тўла оқлаб, адолат қарор топиши учун садоқат билан ишлашимиз, суд биносига келган ҳар бир инсоннинг Ўзбекистонда адолат ҳукмронлигига ишониб чиқиб кетишига сабабчи бўлишимиз лозим.

Феруз ИБРАГИМОВ,
*Когон туман
маъмурий суди
раиси*



– Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги таклиф ва ташаббусларни диққат билан тинглаб, мамлакатимизда сўнгги йилларда одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тадрижий давом эттирилаётганлигига амин бўлдим. Тизимли равишда амалга оширилган ислохотлар натижасида суд амалиётида жуда камайиб кетган оқлов ҳукмлари чиқарила бошланди. Таъкидланганидек, судлар томонидан илк маротаба 2 минг 273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига олинди. Эътироф этиш жоизки, бундай ўзгаришлар одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда.

Ахборот ва коммуникация технологияларининг шиддатли тараққиёти суд тизимига ҳам кириб келди. Бугунги кунда



судьяларга ишни тақсимлаш электрон тизимда амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида бу масалага ҳам алоҳида тўхталиб, соҳа ходимлари зиммасига қатор вазифалар қўйди. Жумладан, суд фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, жорий йил якунига қадар Олий судда ягона “Адолат” ахборот тизимлари комплексини ишга тушириш вазифаси юклатилди. Бунда барча учун судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш имконияти яратилади.

Ўрни келганда айтиш жоизки, барча соҳаларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва кенг жорий этиш Ўзбекистоннинг яқин ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган муҳим стратегик вазифалари қаторида турибди. Президентимиз ўз маърузаларида бу масалага доимий эътибор қаратади. Ҳаммамиз яхши биламизки, айтиш пайтда бутун дунёда ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, катта оқимдаги ахборотни тўплаш ва умумлаштириш, бошқарувни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиб беришда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, йиғилишда йил якунигача суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда мажбурий қайд этиш тизимини жорий этиш лозимлиги таъкидланди. Бу ташаббус ва ғоялар судьялар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

**Давра суҳбатини
Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.**



Мирëкуб РАХИМОВ,
Тошкент давлат
юридик университети
ўқитувчиси

МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ

Америка Қўшма Штатлари мисолида

2019 йилда Америка Қўшма Штатларида доимий асосда ишловчи ходимлар 130,6 миллион нафарни ташкил этди, бу кўрсаткич 1990 йилга қараганда қарийб 20 миллионга кўпдир¹. Жами ишчи кучининг деярли 84 фоизи хусусий секторда банд аҳоли ҳисобланади. Шуниси эътиборлики, мамлакатда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари конституциявий даражада ҳимоя қилинадиган ҳуқуқлар тоифасига киради.

АҚШда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари 1932 йилдаги Норрис-Ла Гуардиа (Norris-La Guardia Act), 1935 йилдаги Миллий меҳнат муносабатлари тўғрисидаги (National Labor Relations Act), 1938 йилдаги Адолатли меҳнат стандартлари (Fair Labor Standards Act), 1947 йилдаги Тафт-Хартли (Taft-Hartley Act), 1967 йилдаги Меҳнат муносабатларида ёшга доир камситишлар тўғрисидаги (Age Discrimination in Employment Act), 1993 йилдаги Оила ва тиббий таътил тўғрисидаги (Family and Medical Leave Act) ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

АҚШда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини судлар томонидан ҳимоя қилиш икки тоифадаги яъни федерал ва штат судлари томонидан меҳнат низоларини кўриш орқали амалга оширилади. Шунини алоҳида эътироф этиш керакки, ҳар иккала суд ва Нью-Йорк суд тизимида ходимлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган муайян процессуал тартиб-қоидалар белгиланган.



Меҳнат низоларини судларда кўриш билан боғлиқ процессуал тартиб ўз ичига қуйидаги шартларни қамраб олади:

биринчидан, меҳнат низоларини ҳал қилиш билан боғлиқ суд жараёни процессуал муддатларининг аниқ белгиланганлиги;

иккинчидан, судга даъво киритиш жараёнида даъвогарга қонунчилик билан белгиланган муайян талабларнинг қўйилганлиги;

учинчидан, далилларни тақдим этиш ва исботлаш жараёнида ўзига хос жиҳатларнинг мавжудлиги;

тўртинчидан, яқка (синфий) ёки жамоавий низоларни ҳал қилиш тартибидаги алоҳида қоидаларнинг борлиги².

АҚШда судларда меҳнат низоларини кўриб чиқиб ҳал қилиш тартиби Фуқаролик процессининг федерал қоидалари (Federal Rules of Civil Procedure) ва Далиллар тўғрисидаги федерал қоидалар (Federal Rules of Evidence) билан тартибга солинади. Бундан ташқари, федерал тизим судлари, ҳатто судьялар ҳам процессуал муддатларни белгилаш ёки далилларни талаб қилиб олиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни мустақил тарзда ўрнатишга ҳақлидир.

Нью-Йорк штати судлари фаолияти юқоридаги судлардан фарқли равишда, алоҳида қонун ҳужжати Нью-Йорк фуқаролик амалиёти қонуни ва қоидалари (New-York Civil Practice Law and Rules) билан тартибга солинади. Бироқ, эътиборли жиҳати шундаки, ҳар иккала суд ўз фаолиятида меҳнат низоларини ҳал қилиш учун умумий ҳуқуқ (common law) тизими қоидаларини қўллайди. АҚШ ҳуқуқ тизимида хос бўлган ҳамда ҳуқуқнинг асосий манбаси ҳисобланган прецедентлар федерал апелляция судлари ва штат судлари томонидан қабул қилинади.

1991 йилда Фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжатга (Civil Rights Act) киритилган ўзгаришларга асосан, ходимларни меҳнат муносабатларидаги камситишлардан суд тартибида ҳимоя қилиш воситаларининг кенгайтирилганлиги судда кўриладиган ишлар сонининг ошишига сабаб бўлди. Натижада меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни суд тартибида ҳал қилиш 1997 йилда ўзининг чўққисига чиқиб, ўша йили судларга 23 392 даъво киритилган. Бироқ, 2013 йилда мазкур кўрсаткич 30 фоиздан камроқ миқдорга тушиб 15 108 тани ташкил қилди³. Шунга қарамасдан ҳозирги кунга қадар юқорида санаб ўтилган тоифадаги ишларни кўриб чиқиб ҳал қилишда суд жараёни низоларни ечишнинг муҳим воситаси бўлиб қолмоқда⁴.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги АҚШ судларининг ваколатларига тўхталар эканмиз, федерал судлар “чекланган юрисдикциявий” судлар саналишига эътибор қаратамиз. Улар икки турдаги даъво ишларини кўриб чиқади: биринчи тури федерал статутлар (Штатлар томонидан чиқариладиган қонун ҳужжатлари) да белгилаб қўйилган ишлар бўлса, иккинчи тури даъвогар ва жавобгар турли штатлардан бўлган меҳнат низолари, шунингдек, баҳслашилаётган низонинг суммаси муайян миқдорни ташкил этадиган ишлар. Суд томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган ёки иш ўзининг фойдасига ҳал қилинмаган тараф апелляция шикоят билан юқори Апелляция судига мурожаат қилишга ҳақли.

Судда “ютқазган” томон чиқарилган қарор устидан Олий судга шикоят аризаси киритиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу АҚШ суд тизимининг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Бироқ, амалиётда биринчи инстанцияда кўрилган ишларнинг жуда кам қисми устидан юқори, яъни Олий судга апелляция шикояти киритилади. Бунинг асосий сабабларидан бири суд ишларининг узоқ давом этиши бўлса, яна бошқа бир сабаби АҚШда меҳнат низоларини кўришнинг судгача бўлган тизимлари медиация, арбитраж ҳамда маъмурий органлар фаолияти самарали йўлга қўйилганлигидир.

Нью-Йорк шаҳрида қонунчиликка мувофиқ ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи судлар даъвонинг суммасидан келиб чиқиб турларга бўлинади. Улар 5 000 АҚШ долларигача бўлган суммадаги даъволарни кўриб чиқувчи судлар, 25 000 АҚШ долларигача бўлган миқдордаги даъво ишларини кўриб чиқадиган ҳамда 25 000 АҚШ долларидан юқори миқдордаги даъво ишларини кўриб чиқувчи Олий судлардир. Нью-Йорк штатида “Олий суд” тушунчаси қуйи судни англатса, Апелляция суди энг юқори суд ҳисобланади. Одатда штат судлари тор соҳага ихтисослаштирилган бўлади, бироқ фуқаролик



ишлари бўйича судьялар меҳнат низосини тўлиқ ўрганиб чиқиб, уларни ҳал қилиш тартибини ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

Ҳуқуқшунос олим Колвин томонидан ўтказилган амалиёт материаллари таҳлиliga эътибор қаратадиган бўлсак, федерал судларда кўрилган низоли ишларнинг 36,4 фоизи ходимлар фойдасига ҳал қилинган. Таққослаш ўрнида қайд этиш керакки, штат судларида 59 фоиз ва хусусий бандлик арбитражларида низоларнинг 21,4 фоизда ходим манфаатини кўзлаб қарор қабул қилинган. Бундан ташқари, суддаги медиатив жараёнда даъвогар фойдасига ундирилган сумма миқдори арбитраж медиатив жараёндагига қараганда анча юқоридир. Суд жараёнида айнан ҳакамлар жавобгарликка доир доимий хулосаларни киритадилар. Мисол тариқасида камситиш содир этилган жойнинг мавжудлиги, етказилган зарар билан боғлиқ ҳолатлар, даъвогарнинг руҳий азобларини қоплашга қаратилган компенсациялар шулар жумласидандир.

Статистик маълумотларга кўра, ходим фойдасига ундирилган сумманинг миқдори федерал судда 150 500 АҚШ долларини, Калифорния штат судида 296 991 АҚШ долларини ва бандлик арбитражларида кўрилган ишларда эса 36 500 АҚШ долларини ташкил этган⁵. Бироқ мазкур статистикага асосланиб, судлардаги камситишга доир ишларнинг ҳаммаси ходим фойдасига осон ҳал бўлади деган хулосага келиб бўлмайди. Одатда судьялар орасида камситишга доир ишларнинг судлар томонидан кўриб чиқилиши лозимлигини кўллаб-қувватловчилар кўпчиликни ташкил этмайди. Судьялар мазкур тоифадаги ишларни ўзларидан узоқлаштириш йўллари кидирадилар⁶.

А. Халегуанинг таъкидлашича, афсуски, ҳозирги кунда судларда ва бошқа босқичларда иш ҳақи ва иш вақтига оид даъволар қандай тартибда кўрилиши тўғрисида олиб борилган эмпирик (муайян ҳодисаларни кузатиш ва



тадқиқ этиш, эксперимент ўтказиш, шунингдек, тадқиқот натижаларини умумлаштириш, таснифлаш ва тавсифлаш ҳамда уларни амалиётга жорий этишга қаратилган тадқиқот тури) тадқиқотларнинг сони камдир. Олимнинг фикрига эътибор қаратадиган бўлсак, у мазкур тоифадаги ишларни судда кўриш билан боғлиқ жараён тадқиқот сифатида ўрганилиши кераклигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлмоқдаки, АҚШда меҳнат низоларини ҳал қилишнинг ўзига хос механизми сифатида судларнинг ҳам бир қатор кучсиз томонлари мавжуддир. Улар судга ариза киритишдаги қийинчиликлар, процесснинг мураккаблиги ва жараённинг узоқ давом этиши ва шу билан боғлиқ бошқа бир қатор сабаблардир. Маъмурий ташкилотлардан фарqli равишда судларнинг кўпчилигида рўйхатдан ўтиш йиғими, яъни бизнинг қонунчиликка қиёсан олинганда давлат божи миқдори федерал судларда 350 АҚШ долларини ташкил қилади. Баъзида давлат божи баҳоси унчалик юқори бўлмайди ёки айрим ҳолларда даъвогар уни тўлаш мажбуриятдан озод қилиниши мумкин. Бироқ, иш жойи, иш ҳақидан маҳрум бўлган ёки кам даромадли ишда ишлайдиган ходимлар учун суд жараёни етарлича оғир ҳисобланади. Бунинг исботи сифатида айтиш керакки, АҚШда йилига 60 000 АҚШ долларида кам даромад оладиган ходимлар камситишга доир ишлар юзасидан низоларни судда кўриб чиқиш учун адвокат ёллашга қурби етмайди⁷.

Федерал ва олий даражадаги штат судларидаги процедуралар жуда мураккаб ва шу билан бир қаторда узоқ давом этади. Масалан, федерал ва штат судларида меҳнат соҳасидаги камситишга доир ишларни кўриб чиқишнинг давомийлиги икки йилга яқин вақтни ташкил қилган⁸. Одатда жуда кам ҳолларда ишлар судгача етиб боради ва уларнинг деярли барчаси рад қилинади ёки судга қадар бўлган даврда ўз ечимини топади. Федерал судларда меҳнат ҳақини тўлашга доир даъволарни кўриб чиқиш бўйича 2000 ва

2011 йиллар давомида берилган аризаларнинг 80 фоизи келишув асосида ҳал қилинган ва 2 фоздан камроқ қисми судларга ўтказилган⁹.

Америка Қўшма Штатлари судлари томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини судлар томонидан ҳимоя қилинишининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосага келишимиз мумкин:

биринчидан, меҳнат низоларини судлар томонидан кўриб чиқиш муайян белгиланган босқичлардан ташкил топган. Меҳнат низолари маҳаллий, штатлар ҳамда олий даражадаги судлар томонидан кўриб чиқилади;

иккинчидан, айрим тоифадаги меҳнат низолари судгача бўлган босқичда кўриб чиқиб ҳал қилинади. Масалан, медиация, арбитраж, маъмурий органлар меҳнат низоларини судга қадар босқичда кўриб чиқишга ихтисослаштирилган органлар ҳисобланади;

учинчидан, меҳнат низоларини судлар томонидан кўриб чиқиш процесси узоқ давом этадиган ҳамда ходим учун кўп маблағ талаб қиладиган жараён ҳисобланиб, бироз қийинчиликларни юзага келтиради;

тўртинчидан, АҚШда махсус меҳнат судлари мавжуд эмас ва судьялар асосан фуқаролик ҳамда жиноят ишларини кўришга ихтисослашган. Улар меҳнат низоларини кўриб чиқиш жараёнида иш юзасидан материаллар билан синчиклаб танишиб чиққандан сўнг низони кўришни бошлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.statista.com/statistics/192361/unadjusted-monthly-number-of-full-time-employees-in-the-us> (мурожаат қилинган сана 12.03.2020).
2. Resolving individual labour disputes: a comparative overview / edited by Minawa Ebisui, Sean Cooney, Colin Fenwick; International Labour Office. - Geneva: ILO, 2016. P. 320.
3. Eigen, Rich and Alexander, 2016.
4. Resolving individual labour disputes: a comparative overview / edited by Minawa Ebisui, Sean Cooney, Colin Fenwick; International Labour Office. - Geneva: ILO, 2016. P. 331.
5. Colvin, 2012, p. 470.
6. Bennett, M. 2012–13. "Essay: From the 'no spittin', no cussin' and no summary judgment' days of employment discrimination litigation to the 'defendant's summary judgment affirmed without comment' days. One judge's four-decade perspective", in New York Law School Law Review, Vol. 57, No. 4, pp. 685–717. p. 686.
7. St Antoine, T.J. 2008. "Mandatory arbitration: Why it's better than it looks", in University of Michigan Journal of Law Reform, Vol. 41, Summer, pp. 783–812. p. 791.
8. Colvin, A. 2008. "Empirical research on employment arbitration: Clarity amidst the sound and fury?", in Employee Rights and Employment Policy Journal, Vol. 11, No. 2, pp. 405–447. Colvin, 2012, p. 470.
9. Charlotte Alexander has collected 55,014 federal court cases that involve FLSA claims and randomly selected a sample of 1,010 to study. This work has not yet been published, but Alexander shared her initial results with the author.

Бургутнинг ҳаёт фалсафаси



Бургутлар яралганидан буён куч-қувват, зафар ва эрк рамзи бўлиб келган. Бургут кўз илғамайдиган баландликларда фақат бургутлар билан ёки ёлғиз ўзи учади. Асло ва асло бошқа кушларга кўшилиб учмайди. Кўзлари ўткир бўлади, ўлжасини беш минг метр юқоридан кўради ва қўлга киритмагунича ундан кўзини узмайди.

Бургут ўлимтик емайди, балки ўлжасини ўзи овлайди. Емишининг янгисини излайди. Бўронли, ёмғирли ҳавода учидан қўрқмайдиган кушдир. Бундай ҳаво, аксинча, унинг шижоатини кўзгайди. Шамолли вазиятдаги ҳаво босимини фойдаси учун ишлата олади. Бу ҳол унга қанотларини кўп ҳам қоқмасликка имкон беради. Бургут “хоним”лар бургут “жаноб”ларни қайта-қайта синаб, шундан кейингина турмуш ўртоқликка қабул қилади. Бургутларчалик инини юқорида курадиган ва уни қаттиқ ҳимоялайдиган бошқа ҳеч бир куш йўқ.

Бургут болаларини ўта қаттиққўллик билан учига ўргатади. Вақти етиб, полапонини индан ташқарига улоқтирар экан, дангасалик қилиб яна “иссиқ уйларига” қайтиб келмасликлари учун она бургут инини бузиб ташлайди. Одатда бургут етмиш йил яшайди. Лекин

қирқ ёшга борганида тирноқлари узайиб, патлари жуда ўсиб, учушига халақит бера бошлайди. Шунда ажойиб бир ҳодиса юз беради: бургут қояга жойлашиб, тумшуги ва тирноғи билан қоятошни тирнай бошлайди, бу орада эски патларини ҳам юлиб ташлашга улгуради. Беш ой ичида янги тумшук, янги тирноқ ва янги пат ўсиб чиқади. Янгиланиш бургутларнинг ҳаёт-мамонт масаласидир.





**Маликахон
ҚАЛАНДАРОВА,**
Судьялар олий
мактаби Иқтисо-
дий ҳуқуқ кафедра-
си мудири, юридик
фанлар номзоди

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Карантин чоралари ва чекловлар бошқа кўплаб мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлик фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, чет элдан мамлакатимизга пул ўтказмалари камайди, туризмдан тушадиган даромадлар пасайди, савдо ва етказиб бериш занжирларида муаммолар юзага келди. Айрим корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини ва ишчилар сонини қисқартиришга мажбур бўлди, бу эса ўз навбатида иш билан таъминлашда ҳамда фуқароларимизнинг даромадларига салбий таъсир кўрсатди.

Шу сабабли, коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари шулар жумласидандир.

Коронавирус инфекцияси давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидлари билан алоқадор давлат буюртмачилари ҳамда давлат харидлари ижрочиларининг ўзаро муносабатларини қайта кўриб чиқилишини ҳам тақозо этади. Харид қилиш тартиб-таъминоти иштирокчиси ва ижрочилар коронавирус туфайли маълум бир муаммоларга дуч келган бўлишига қарамасдан, мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатишини инобатга олган ҳолда буюртмачиларни ишлаб чиқаришида узилишлар рўй бермаслиги учун зарур товарлар етказиб берилиши (ишлар, хизматлар) тўхтатилиши мумкин эмас.

Давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ҳамда турда, сифатда ва нарҳда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектлари-

ни жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатдир.

Давлат эҳтиёжларини таъминлашнинг самарали тизими ишлаб чиқилганлиги иқтисодиётни ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш орқали давлат буюртмачилари, буюртмаларни ижро қилувчилар ва ижро қилувчиларни танловчи иштирокчилар манфаатлари мувозанатини таъминлашга эришиш мумкин.

Давлат эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган давлат харидлари билан боғлиқ шартномавий муносабатларни бажармасликнинг ҳуқуқий оқибатлари ва пандемияга нисбатан форс-мажор ҳолатларининг кўлланилиши билан боғлиқ ҳолатлар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, COVID-19 коронавирус пандемияси мавжуд шартномалар доирасида юзага келган муносабатларга шартномаларни бажариш ва жавобгарликдан озод бўлиш нуқтаи назаридан ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Маълумот таъриқасида: Италияда пандемия таъсирида талабнинг кескин камайиши ва етказиб берувчилар билан алоқаларнинг узилишидан зарар кўрган фирмалар улуши 72%ни ташкил этган. Уларнинг учдан бири ўз тушумларининг 15%дан кўпроққа қисқаришини тахмин қилмоқда (20% эса 5-15%га). Энг кўп зарар кўрган тармоқлар қаторига транспорт (98%), туризм (90%), мода саноати (80%), озиқ-овқат саноати (78%) киради.

Одатда кичик бизнес вакиллари ташқи етказиб берувчиларга камроқ эҳтиёж сезади. Аммо, шундай корхоналар борки, улар баъзи вирус кенг тарқалган давлатлардан хом ашё ёки технологиялар импорт қилишга эҳтиёж сезади. Ана шу корхоналар пандемия пайтида кўпроқ за-

рар кўради. Бундан ташқари, бу фирмалар учун алоқалар занжири узилган тақдирда уларнинг қайта тикланиши жуда қийин кечади.

Маълумот таъриқасида: *Корея Республикасида 72% кичик ва ўрта бизнес вакиллари вирус оқибатларидан зарар кўрганларини билдиришган. Уларнинг ярмидан кўпи Хитойдаги фабрикалар ёпилиши натижасида ўз буюртмаларини вақтида бажара олмаганликларини айтишган. Бу аҳволда 42% фирма бизнесни уч ойдан ошиқ ва 70% фирма 6 ойдан ошиқ иш фаолиятида ушлаб туриш имконияти йўқлигини билдирган¹.*

Шу ўринда, форс-мажор ҳолатлари давлат харидлари соҳасида буюртмаларни амалга ошириш ва жойлаштириш жараёнида ҳам маълум бир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир².

Агар шартномада форс-мажор ҳолатлари, айниқса, эпидемияларнинг бошланиши ва уларнинг ўзига хос оқибатлари тўғрисида батафсил назарда тутилмаган бўлса, ҳатто эпидемия каби назорат қилиш имконсиз бўлган ҳолатларни ҳам шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик учун асос сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Агар ушбу шартда эпидемия юзага келганида, шартномаларнинг ижроси тўхтатиб қўйилиши аниқ кўрсатилган бўлса, унда бажариш муддатини кечиктириш мумкин. Шуни қайд этиш керакки, форс-мажор бу биринчи навбатда шартномани амалда бажариш имконсизлигидир, ресурслар ёки истакларнинг етишмовчилиги эмас. Масалан, бош ҳисобчи ёки директорнинг карантинга жойлаштирилиши ва давлат идоралари томонидан уларнинг банк ҳисоб рақамига кириш учун электрон қалитлар билан қўл телефонларини олиб қўйилиши бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Бундай ҳолда объектив ҳолатлар сабабли шартномани бажариш имконсизлиги кўриниб туради³.

Форс-мажор ҳолатлари юз берганда давлат харидларига оид муносабатлар соҳасида вужудга келаётган қуйидаги масалалар юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида савдо битишувлари ва халқаро шартнома-

лар шартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошланган енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби мавжуд бўлиб, бироқ мазкур тартиб давлат харидларига оид барча муносабат субъектларига тўғридан-тўғри тадбиқ этилмайди.

С.В.Зимнева, Г.У.Поповаларнинг фикрича, ташқи савдо битишувлари ва халқаро шартномалар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартибини фуқаролик муносабатларининг самарадорлигига ва давлат контрактларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ низоларнинг камайишига хизмат қилишини инобатга олган ҳолда давлат контрактларига нисбатан ҳам форс-мажор ҳолати юз берганлиги ҳақидаги сертификатларни тақдим этиш тартибини жорий этиш лозим⁴.

Жумладан, ҳимоя костюмлари, ниқоблар, ўпкани сунъий шамоллатиш аппаратлари пандемия даврида жуда керакли ва танқис товарга айланди. Бироқ, Қирғизистон давлат идоралари уларни бозор қийматидан юқори нархларда сотиб олмоқда. Ҳукумат маълумотларига кўра, Жаҳон банки Қирғизистонга 60,5 млн доллар миқдорида кредит ажратган, улардан 6 млн доллари коронавирус пандемияси билан боғлиқ тиббий воситалар ва ускуналарни сотиб олиш учун сарфланган. Осиё тараққиёт банки эса мамлакатга 41 млн доллар миқдорида грант ва 94 млн доллар миқдорида кредит ажратган. Улардан 20 млн доллари коронавирус пандемияси билан курашга сарфланган⁵.

Назаримизда, давлат харидлари билан боғлиқ муносабатларда давлат бюджети маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлаш, шунингдек, форс-мажор ҳолатларига баҳо беришда ваколатли органнинг хулосаси мавжудлиги давлат харидлари билан боғлиқ шартномалар ижросини таъминлашда ва уни ижро этилмаслигининг салбий оқибатларини бартараф этишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Давоми кейинги сонда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://review.uz/oz/post/B.Xamidov//koronavirus-pandemiyasi-koproq-qaysi-sohaga-salbiy-tasir-korsatadi>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган "Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 56-модда, 34—36-сон, 264-модда; 2017 й., 29-сон, 693-модда
3. www.centil.law
4. С.В.Зимнева, Г.У.Попова // Непреодолимая сила как основание освобождения от ответственности за нарушение государственного (муниципального) контракта // Вестник экономики, права и социологии // 2017 №2.
5. kaktus.media



Дилзода ДОВУДОВА,

Бош прокуратура
Академияси
катта ўқитувчиси

СУДЛАРДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада амалдаги биринчи инстанция судларида жиноят ишлари юзасидан суд муҳокамаси бошлангунга қадар прокурорнинг ваколатлари, мазкур босқичдаги мавжуд муаммолар, прокурорнинг суд мажлисига тайёргарлигининг аҳамияти ва уларни такомиллаштириш масалалари баён қилинган.

Калит сўзлар: суд, судья, прокурор, ваколат, ишни суддан чақириб олиш, биринчи инстанция суди, суд жараёни, дастлабки суд эшитиш.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены полномочия прокурора до начала уголовного разбирательства в судах первой инстанции, существующие проблемы на данном этапе, важность подготовки прокурора к судебному разбирательству и вопросы их совершенствования.

Ключевые слова: суд, судья, прокурор, полномочие, отзыв дела из суда, суд первой инстанции, судебный процесс, предварительное слушание.

ANNOTATION

This article describes the powers of the prosecutor before the start of the criminal proceedings in the courts of first instance, the existing problems at this stage, the importance of preparing the prosecutor for the trial and the issues of their improvement.

Keywords: court, judge, prosecutor, powers, recall of case, court of first instance, court trial, preliminary hearing.

Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда суд муҳокамасигача бўлган босқичда прокурор жиноят ишини суддан чақириб олиш ва ишда иштирок этиш учун жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиш ваколатига эга. Шу билан бирга, суд муҳокамаси бошлангунга қадар жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи мавжуд бўлиб, ушбу босқичда судьяга бир қатор ваколатлар юклатилган. Мазкур ваколатларни судьянинг яқка ўзи ҳал этади. Бу эса, Жиноят процессуал кодексига (кейинги ўринларда ЖК деб ёзилади) холислик, қонунийлик, ҳақиқатни аниқлаш принципларига зид ҳисобланади. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки таъминланиши орқали унинг ваколатлари амалга оширилади ва бу прокуратура органлари фаолиятининг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддаси 2-қисмига кўра, айблов хулосасини, айблов далолатномасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунга қадар ишни суддан чақириб олиш ҳуқуқига эга¹.

Ҳисоботларга кўра, 2015 йилда 325 та жиноят иши 481 нафар шахсга, 2016 йилда 361 иш 562 нафар шахсга, 2017 йилда 433 иш 627 нафар шахсга ва 2018 йилда 95 иш 132 нафар шахсга нисбатан прокурорлар томонидан чақириб олинган². Мазкур рақамлар прокурорлар қайд этилган ваколатлардан фойдаланаётганлигини кўрсатади. Бироқ, улар қандай ва қайси асосларга кўра мазкур ваколатлардан фойдаланмоқда? Қонунда белгиланган қонидани амалга ошириш асослари ва механизми процессуал қонун билан тартибга солиниши лозим бўлса-да, бироқ, ЖКда прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунга қадар ишни суддан чақириб олиш ҳақидаги норма ва унинг амалга ошириш механизми ханузгача белгиланмаган. Худди шу норма Германия Федератив Республикаси ЖКда аниқ ва лўнда қилиб белгилаб қўйилган³.

Фикримизча, қайд этилган қонидани ЖКга киритиш, унинг асослари ва амалга ошириш механизми белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ саналади. Шунга кўра, ЖКни 394¹-модда билан тўлдириб, қуйидаги тарзда баён этиш лозим: “Айблов хулосасини, айблов далолатномасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори

турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунга қадар ишни суддан чақириб олиш ҳуқуқига эга. Жиноят иши чақириб олинганлиги тўғрисида жабрланувчига ёки унинг вакилига ёзма хабар берилиши шарт. Суд муҳокамаси бошлангандан кейин жиноят иши чақириб олиншига йўл қўйилмайди”.

Жиноят ишлари бўйича прокурор ваколатининг сифатли таъминланишига, биринчи навбатда, прокурорни суд мажлисида иштирок этиш учун тайёргарлик даражаси таъсир этади. Мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган олимлар прокурорнинг суд мажлисига тайёргарлик кўриш босқичига алоҳида тўхталиб ўтган. Масалан, Б. Пўлатовнинг фикрича, прокурор айнан суд муҳокамасида қатнашишга тайёргарлик кўриш босқичида иш учун аҳамиятли ахборотларни олиши, уларнинг маъносини тушуниб етиши ва таҳлил қилиши ҳамда шу ҳаракатлар асосида суддаги ўз иштирокининг стратегияси ва тактикасини (йўналиш ва услубини) ишлаб чиқиши лозим⁴. Жиноят иши ҳужжатларидан яхши хабардор бўлган ва суд муҳокамасига пухта тайёргарлик кўрган прокуроргина суд процессида пайдо бўладиган барча муаммоларни ҳал эта олади⁵. Ҳуқуқшунос олим О. Мадалиев эса иш материалларини яхши ўрганмаслик давлат айбловини қувватлаш сифатини пасайтириб, суд процесси якунига салбий таъсирини кўрсатади⁶ – деган фикрни билдиради. Е. Павлованинг таъкидлашича, суд муҳокамасида иштирок этишга тайёргарлик кўриш – судда давлат айбловини таъминлаш методологиясининг асосий элементларидан биридир. Прокурор – давлат айбловчиси процессуал фаолиятининг ушбу босқичи аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Суд жараёни бошлангунга қадар прокурор жиноят иши ҳужжатларини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиши ҳамда таҳлил қилиши суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинишида кўмаклашишнинг муваффақиятли гарови бўлиб хизмат қилади⁷.

Демак, суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш учун прокурор жиноят ишини тўлиқ ўрганишга мажбур. Бундан ташқари, прокурордан судда далилларни текшириш, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар бериш, Жиноят кодекси нормаларини тўғри қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, судланувчининг айби исботланган ёки унинг жиноий ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги ҳақида ҳамда суд ҳал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини билдириш учун жиноят иши материаллари билан батафсил танишиши талаб этилади. Бош прокурорнинг



соҳавий буйруғи 6-бандида прокурорлар суд мажлиси бошлангунга қадар пухта тайёргарлик билан терговга қадар текшириш, суриштирув ва дастлабки терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилганлигини ўрганиши лозимлиги белгиланган⁸.

Жиноят иши ҳужжатларини ўрганмаслик прокурорнинг пассив фаолият юритишига сабаб бўлади ҳамда у суд натижаларига таъсир ўтказма олмайди. Шунингдек, ЖПКнинг 412-моддасига кўра, ишга янги киришган прокурорга суд муҳокамасида иштирок этишга тайёргарлик кўриш учун зарур вақт берилиши лозим. Қонун талабларидан келиб чиқиб, иш ҳужжатлари билан таништириш суднинг мажбурияти, бу имкониятдан фойдаланиш прокурорнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Б. Пўлатов ишни айблов хулосасини ўрганишдан бошлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа⁹, В. Лазерева эса ҳар қандай ҳолатда ҳам, мураккаб жиноят иши бўлишидан қатъи назар ишни тўлиқ ҳар бир варағи чуқур ўрганилиши лозимлиги¹⁰, Шунингдек, М. Громницкий ҳам В. Лазерева каби ишни биринчи варағидан то охиригига қадар ўрганиш¹¹ тўғрисида фикр билдиради.

Фикримизча, В.Лазерева ва М.Громницкий фикрларига қўшилган ҳолда, прокурор жиноят иши ҳужжатларини тўлиқ ҳар бир варағини ўрганиши шарт. Шу билан бирга, ЖПКда прокурорнинг жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш шартлиги тўғрисида бирон-бир норма мавжуд эмаслигини, жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш иш юзасидан прокурор ваколатини таъминлашга хизмат қилишини инобатга олиб, прокурорга жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш шarti тўғрисидаги мажбурият юқловчи нормани киритиш ҳамда юқорида қайд этилган Бош прокурор соҳавий буйруғининг 6-бандидаги, прокурор иш ҳужжатлари билан танишиши лозимлиги тўғрисидаги қондан жиноят иши ҳужжатлари билан



танишиш шартлиги ҳақида қоида билан қатъийлаштириш лозим бўлади. Бундан ташқари, прокурорнинг жиноят ишини ўрганиш жараёнига оид фаолияти юзасидан хулоса ўрнида айтиш лозимки, прокурор жиноят иши ҳужжатларини тўлиқ ўрганиши натижасида судда қуйидагиларга эга бўлади:

- суд жараёнидаги позицияси, режаси, тактикасини намоён этиб фаол иштирок этиш;
- ўзига бўлган ички ишончни шакллантириш;
- айбланган шахснинг айби далиллар билан тасдиқланганлиги, яна қандай далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш;
- жиноят иши бўйича иштирокчиларнинг дастлабки кўрсатувлари мазмун-моҳиятини билиш ва уларни суд терговиди солиштириш;
- илтимосномалар бериш ёки уларни ҳал этиш жараёнида асослантирилган фикр бериш;
- дастлабки тергов органи томон йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни суд жараёнида бартараф қилиш;
- суд қарорларини қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинишига кўмаклашиш имкониятлари.

ЖПК 395-моддасига кўра, суд муҳокамаси бошлангунга қадар, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида судья ишни судда кўриш учун тайинлаш, жиноят иши юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш, жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш ва дастлабки тергов ёки суриштирувнинг техник йўсиндаги камчиликларини бартараф этиш учун ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномасини тасдиқлаган прокурорга юбориш тўғрисида

ҳал қилув қарори (ажрим) чиқариш ҳуқуқига эга.

Кўриниб турибдики, ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичида фақат судья қарор қабул қилади, бунда процесс иштирокчилари иштирок этмайди. Ваҳоланки, ушбу босқичда судга жиноят ишини ЖПКнинг 83- ва 84-моддаси 1-қисмига мувофиқ тугатиш, тўхтатиш ва техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун прокурорга юбориш ваколатлари берилганлиги суднинг холис, бетарафлигига таъсир этади ва ҳақиқатни аниқлаш принципига, бошқа тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳисобланади. ЖПКга дастлабки суд эшитув институтини татбиқ этиш борасида тадқиқот олиб борган С. Раҳмонова ҳам айнан шу ҳолат юзасидан фикр билдириб, агар судья жиноий иш бўйича тарафларнинг иштирокисиз қарор қабул қилиш имконига эга бўлса, бу ҳолат тарафларнинг судга мурожаат қилиш ва ўз далилларини тақдим этиш имкониятидан маҳрум бўладиган вазиятга олиб келиши ва бу мутлақо ноўрин вазият эканлигини таъкидлаган¹².

Ёки суднинг жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда ёзувдаги техник (орфографик ва арифметик) хатолар аниқланган тақдирда, бу йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномасини тасдиқлаган прокурорга судда иштирок этиши лозим бўлган прокурор иштирокисиз кўриши нотўғри. Гарчи, бу каби хатолар аниқланган тақдирда ҳам улар айбловга таъсир этмаса, суд тарафлар иштирокида ушбу ҳолатга аниқлик киритган ҳолда ажрим чиқариш орқали бартараф этиши мумкин. Бу борада рус олими Н. Кулик ўзининг тадқиқот ишида дастлабки суд эшитувида олиб ташлаш имкони бўлган айблов хулосасидаги хатолар ва қарама-қаршиликлар аниқланганда, судья айблов хулосаси маълумотларини, жиноят ишини прокурорга қайтармасдан туриб, тушунтириш бериш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли эканлиги ҳақидаги қондан киритиш таклифини беради¹³. Б. Пўлатов жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ёки бошқача қарор қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда прокурор ва ҳимоячи ўз ихтиёрига кўра иштирок этиши мумкинлиги ҳақида таклиф бериб, суд фаолиятининг ушбу босқичида ишни юритишни тугатиш ёки тўхтатиш мумкинлиги ва унда прокурорнинг иштирок этиши ортиқчалик қилмайди, деб фикр билдирган¹⁴.

Шу билан бирга, амалиётда шу кунга қадар судья томонидан ишни кўришга тайинлаш чоғида ЖПКнинг 83-моддасига асосан тугатиш бўйича бирор бир қарор қабул қилинмаганлиги юқоридаги фикрларимиз исботидир. С. Раҳмонованинг фикрича, суд муҳокамасини ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаганда ва ишни тўх-

татиш, тугатиш, олдинги босқичга қайтариш зарурати туғилганда, суд ёки тарафларнинг ташаббуси билан дастлабки суд эшитуви институти ЖПКга киритилишини жорий этиш лозим¹⁵. Б.Пўлатов жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ёки бошқача қарор қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда прокурор ва ҳимоячи ўз ихтиёрига кўра иштирок этиши мумкинлиги ҳақида таклиф бериб, суд фаолиятининг ушбу босқичида иш юритишни тугатиш ёки тўхтатиш мумкин экан, унда прокурорнинг иштирок этиши ортиқчалик қилмаслиги, шу билан бирга, суд фаолиятининг мазкур босқичи дастлабки эшитиш босқичи билан уйғунлаштирилиши лозимлиги тўғрисида фикр билдирган¹⁶.

Россия Федерацияси¹⁷, Қирғизистон¹⁸, Беларусь¹⁹ Республикалари ва бошқа бир қатор (Буюк Британия, АҚШ, Франция, Испания, Италия, Германия²⁰) давлатларнинг Жиноят-процессуал кодексидида қайд этилган ваколатлар дастлабки суд эшитув босқичида процесс иштирокчилари иштирокида амалга оширилади²¹. Суд эшитувида айрим даврларда прокурор ёки терговчи иштироки ихтиёрий бўлса, айрим даврларда мажбурий этиб белгиланган.

Н. Кулик фикрича, ушбу босқичда прокурор дастлабки терговнинг айблов позицияси тўғрисида яна бир бор текшириш имкониятига эга бўлади. Жиноят процесси иштирокчиларининг, шу жумладан, суднинг танқидий фикрлари, унга “бошқа томондан” қарашга имкон беради. Натижада дастлабки суд эшитувида иштирок этган прокурор аввал танланган позицияни тўғрилигини тасдиқлайди ёки уни дастлабки суд эшитувида аниқланган ҳолатлар, шу жумладан айбни энгиллаштириш ёхуд тўлиқ ёки қисман воз кечиш орқали тузатади²². Дарҳақиқат, Н. Куликнинг фикрларига кўшилган ҳолда, миллий қонунчиликка ушбу дастлабки суд эшитуви босқичини татбиқ этиш ва унда процесс иштирокчилари иштирокини таъминлаш ҳамда ишни судда кўриш учун тайинлашда белгиланган айрим ваколатларни ушбу босқичда ҳал этиш

лозим. Мазкур институтни татбиқ этиш орқали унда прокурор ваколатларини белгилаш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мақолада келтирилган таклиф ва мулоҳазалар қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишга, уни такомиллаштиришга ҳамда иш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 29.08.2001 й. 257-II-сон [Электрон ресурс] Қаралган вақти 22.03.2020 й. <http://www.lex.uz/acts>
2. Олий суднинг йиллик ҳисоботи, 2015-2018 йиллар.
3. Бойкольке Вернер. Германия Федератив Республикасининг жиноят-процессуал ҳуқуқи: Дарслик. 12-нашр, қўшимча ва ўзгартиришлар билан. –Тошкент: Тошкент давлат юридик университети нашриёти, 2017. 309 Б.
4. Б.Х.Пўлатов. Прокурорнинг давлат айбловини қувватлашга тайёргарлик кўришининг аҳамияти ва мазмуни. Давлат айбловчиси учун илмий-услубий қўлланма. –Т. 2003. -5 Б.
5. Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. -93 Б.
6. О.М.Мадалиев. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография./ -Т.: ТДЮИ, 2005. -41 Б.
7. Е.Павлова. Анализ и оценка прокурором заключений и показаний экспертов при подготовке к участию в рассмотрении уголовного дела судом первой инстанции. Законность. М.: 2020 (1), С. 21.
8. Бош прокурорнинг “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 27.11.2015 й. №126-сонли буйруғи
9. Б.Х.Пўлатов. Ўша китоб. -18 б.
10. Лазерева В.А. Ўша китоб. -133 б.
11. М.Ф.Громницкий. Роль прокурора на суде по делам уголовным// Дореволюционные юристы о прокуратуре. сб. ст. / науч. ред., сост. С.М.Казанцев. СПб.: Юрид.центр Пресс, 2001. С. 131.
12. С.М.Рахмонова. Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству/ Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. –Т. 2018. С.159.
13. Н.В.Кулик. Осуществление прокурором доказывания на предварительном слушании. Дисс. на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Санкт-петербург. 2006.
14. Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. – 93 Б.
15. С.М.Рахмонова. Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству/ Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. –Т. 2018. С.159.
16. Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. – 92 Б.
17. «Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации» от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 02.08.2019) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2019) http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/
18. “Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики” от 2.02.2017 года №20. <http://base.spinform.ru/>
19. “Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь” 16.07.1999 г. №295-3 <http://etalonline.by/document/>
20. С.М.Рахмонова. Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству/ Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. –Т. 2018. С.238.
21. Уголовный процесс: учебник / А.В.Смирнов, К.Б.Калиновский; под общ.ред. А.В.Смирнова. -7-е изд., перераб. –М.: Норма: ИНФРА-М, 2019. С.544.
22. Н.В.Кулик. Участие прокурора в доказывании на предварительном слушании: учеб. Пособие. СПб.: С.-Петербург. Юрик. Ин-т(филиал) Акад. Ген. Прокуратуры Рос. Федерации, 2008. С.11.





Омон ОКЮЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист, юридик
фанлар доктори, профессор

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ – КУНДАЛИК ТУРМУШИМИЗ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

Қонун ижодкорлиги жараёнида буни ёдда тутиш лозим!

Давоми, боши ўтган сонда.

Фуқаролик кодекси томонидан тартибга солинадиган энг муҳим муносабатлар гуруҳига мулк ҳуқуқи ва мол-мулк билан боғлиқ муносабатлар киради. Ҳар қандай мол-мулк моддий неъматларнинг юридик мужассами, давлат қудрати, халқ фаровонлиги ва инсон манфаатларининг асосий манбаидир. Бежизга асосий қонунимизнинг 53-моддасида мулк ҳуқуқи, мулк шакллари-нинг тенглиги ва хусусий мулк ҳуқуқининг ҳимояси тўғрисида нормалар белгилаб қўйилмаган. Давлат мулки бўлган оммавий мулк ва кишиларга тегишли бўлган хусусий мулк муайян белгилари бўйича, яъни вужудга келиш асослари, тайинланиш мақсади, мол-мулкка нисбатан мулкдор ваколатларини амалга ошириш, шу жумладан, унга эгалик қилиш тартиби, ундан фойдаланиш хусусиятлари, тасарруф этиш таомиллари билан фарқланади. Хусусий мулкда ваколатлар мулкдор томонидан қонун йўл қўйган доирада осон, қулай, содда тартиб ва таомилларда амалга оширилади. Оммавий мулк эса қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиб ва таомиллар асосида ва-

колатли субъектлар тизими томонидан бошқарилади. Масалан, давлат бюджетини шакллантириш тартиби, уни қабул қилиш, тақсимлаш, фойдаланиш, сарф-харажат қилиш, мақсадли фойдаланишни таъминлаш тизими, ижро ва назорат интизоми — буларнинг барчаси оммавий мол-мулк ҳам, фуқаролик ҳам оммавий ҳуқуқ нормаларига бўйсундирилган мураккаб тартиб-таомилга асосланган, ўзига хос юридик шакл эканлигидан далолат беради. Лекин, ҳар иккала мулк шакли ҳам қонун олдида тенг ва бир хилда ҳимоя қилинади. Бутун дунё бўйича қонунларда хусусий мулкка нисбатан ҳуқуқий ҳимоя ва муҳофаза механизмини таъминлаш белгилаб қўйилган, чунки хусусий мулкдорга ўргатишнинг кераги йўқ. У ўз хоҳиши ва манфаатларини яхши англаб етган, ўз мол-мулкдан самарали фойдалана оладиган аниқ субъект. Бироқ, оммавий мулкда бутун дунё бўйича мол-мулкдан самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳуқуқий тизими белгилаб қўйилади. Оммавий мулк давлатни нормал фаолият юритиши учун мамлакат мудофааси, хавфсизлиги, ижтимоий таъминот ва шу каби ижтимоий манфаатларга хизмат қилмоғи лозим. Бироқ, ФК лойиҳасида мулк шакллари фарқлаш ва бу шакллардаги ўзига хосликларни белгилаб қўйиш аънанасидан воз кечилган. Фикримизча, бу концептуал жиҳатдан нотўғри ёндашув. Оммавий мулкда барча аҳолининг манфаати ётади. Шу сабабли ҳам ҳар бир шахс оммавий мулкдан мақсадли фойдаланишни талаб қилишга, ушбу талаб бузилган деб ҳисоблаган ҳар қандай ҳолатда судга ёки тегишли ваколатли идорага мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ФКда ўз ифодасини топиши лозим. Оммавий мулк бўйича ваколатларга эга бўлган субъектлар шу оммавий мулкдан баҳраманд бўлувчи, ундан наф кўрувчи ёки юридик тилда айтганда, бенифициари олдида ҳисоб бермоғи шарт.

Фуқаролик кодекси лойиҳасида концептуал жиҳатдан нотўғри ёндашувга йўл



қўйилганлигининг яна бир жиҳати, бу юридик шахслар рўйхатининг ёпиқ қилиб қўйилганлигидир. Бунда энг баҳсли масала, тижорат юридик шахслари, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари доирасида чеклаб қўйилганлигидир. Лойиҳанинг шу қисми билан танишган кўпчилик цивилист олимлар бундан таажжубга тушмоқдалар. Мамлакатимиз иқтисодиётида катта юкни кўтариб турган хусусий ва оилавий корхоналар, фермер ҳамда деҳқон хўжалиklarини тугатиш ва уларни МЧЖларга айлантириш (чунки, қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари бир-бирлари учун ҳам, яъни иштирокчилар ва юридик шахс мажбурияти учун ҳам солидар, субсидиар жавобгар бўлиши кўпчиликни бундай юридик шахсни ташкил этишдан чўчитади) тушунарсиз ҳол. Иқтисодий тизимда тижорат юридик шахсларни қайта ташкил этишлар изига тушгунча уч-тўрт йил ўтади. Бу эса улар фаолиятини самарали амалга оширишга, бошқаришга салбий таъсир кўрсатади. Иштирокчилар, муассислар, бошқарувчилар, хўжалик раҳбарлари ўзининг янги ҳуқуқий мақомини англаб етиб, ваколатларини тушуниб уларни қўллаш кўникмаси вужудга келгунча ҳеч қандай чалкашликлар, англашилмовчиликлар, тушунмовчиликлар вужудга келмайди деб ким кафолат бера олади.

Фуқаролик кодексида кишиларни, бошқа субъектларни биргаликдаги фаолиятини ташкил этувчи оддий ширкат тузилмаси ҳақида нормалар мавжуд. Амалдаги Фуқаролик кодекси бўйича фақат якка тадбиркорлар ва тижорат ташкилотлари оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлиши мумкин, оддий ширкат шартномаси ёзма тузилиши талаб этилади. Агар кундалик ҳаётга назар солсак, оддий ширкатга ўхшаган тузилмалар ўн минглаб, юз минглаб мавжуд. Мана энг оддий мисол, мардикорлар одатда уч-тўрт киши бирлашиб, муайян бир қурилишни ёки бирор объектни таъмирлашга буюртма оладилар ва биргалашиб ишлайдилар. Ёхуд тўйлар ва шу каби тадбирларга хизмат қилиш учун муваққат ёки доимий гуруҳлар (ансамбллар) фаолият юритади, уларни халқ тилида (отарчилар) деб ҳам юритишади. Бундай гуруҳлар тез ташкил топади, муайян ишни бажариб тарқаб кетиши ҳам мумкин. Улар кишилар учун қулай биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш шакли ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг оддий ширкат бўйича нормаларини реал ҳаётга яқинлаштириш лозим. Бунинг учун оддий ширкат иштирокчиларини



якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш талабини ва оддий ширкат шартномасини ёзма тузиш талабини диспозитив қилиб ўзгартирилиши лозим. Мана шунда юз минглаб одамлар ўз фаолиятларини қонунга мувофиқ амалга ошириш имконияти яратилганидан қониқиш ҳосил қилган бўлар эдилар. Яна бир масала, оддий ширкатни “негласный”, яъни учинчи шахсларга ошкор этилмаган тури мавжуд, у Фуқаролик кодексида “яширин ширкат” деб белгиланган. Аслида уни яширин, мафхийлик жойи йўқ, фақат иштирокчилар учинчи шахсларга бу ҳақда ошкор этмаганлар, холос. Шу сабабли ҳам “яширин ширкат” ўрнига “ошкор этилмаган” ширкат иборасини ишлатиш ўринли бўлар эди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида кўчмас мулк кадастри, турли мулккий ҳуқуқлар реестрлари, мол-мулкка нисбатан банд қўйиш бўйича маълумотлар базалари масалан, гаров реестрлари ва шу кабилар мавжуд. Бундай маълумот базалари ҳуқуқларни рўйхатга қўйиш, рўйхатдан чиқариш бўйича ишларни бажарибгина қолмасдан фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун битим ва шартномалар тузишда, қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборот ва маълумотлар манбаи бўлиб ҳам ҳисобланади. Фуқаролик кодексида бундай маълумот базаларининг ҳуқуқий режими, улар фаолиятини ташкил этиш таомиллари, жумладан очиқлик, шаффофлик, эркин ахборот киритиш, олиш имконияти ва маълумотлар бўйича тегишли операциялар амалга оширилганда манфаатдор шахсларни хабардор қилиш бурчи белгилаб қўйилиши лозим. Бу эса фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун қулайликлар вужудга келтирибгина қолмасдан, балки ноинсофлик ва гайриқонуний ҳаракатлар содир этилишининг ол-

дини олишга ёрдам берувчи муҳим омил вазифасини ҳам ўтайди.

Фуқаролик кодекси лойиҳасида тадбиркорлик фаолиятини доимий тизимли асосда фойда, даромад олиш мақсадини кўзлаган фаолият сифатида белгилаш ҳам ўринли бўлмаган. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида тадбиркорлик фаолиятини таваккалчиликка, мулкий жавобгарликка асосланган, фойда, даромад олиш мақсадини кўзлаган, ташаббускор фаолият сифатида белгиланган. Ушбу моддада тадбиркорликнинг асосий белгиси қонунга мувофиқ амалга ошириладиган фаолият сифатида белгиланган. Президентимиз 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатида иқтисодиётимизда “яширин иқтисодиёт” (“хуфёна иқтисодиёт”)ни кескин камайтириш вазифасини қўйди. Яширин иқтисодиёт билан қонуний иқтисодиёт ўртасидаги асосий фарқ шундаки, яширин иқтисодиёт субъектлари тизимли асосда доимий фойда кўриш мақсадини кўзлаб фаолият юритади, бироқ қонунга мувофиқ фаолият юритмайди (яъни, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмайди, молия-бухгалтерия ҳужжатини юритмайди, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламайди, ҳисоботлар тақдим этмайди, фаолияти ҳеч қандай назорат қилинмайди, ходимлари пенсия олиш, касал бўлганда нафақа олиш ҳуқуқига эга эмас). Яширин иқтисодиётга қарши кураш олиб бориладиган бир пайтда, Фуқаролик кодексида уни қонуний иқтисодиётга тенглаштириш ҳеч қандай мантқиққа асосланмаган ёндашувдир.

Албатта, бу фикр-мулоҳазалар лойиҳанинг айрим қисмларигагина тааллуқли, унинг бошқа ижобий қисмлари, аҳамияти

кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Фуқаролик кодексининг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш жараёнида шошма-шошарликка йўл қўйилмаслиги лозим. Бу жараён “етти ўлчаб, бир кес” ёндашувини талаб этади. Тадбиркорлар, адвокатлар, юристконсультантлар, ҳуқуқшунос олимлар билан бирга, иқтисодчилар, сиёсатшунослар, социологлар, файласуфлар, тилшунослар ва бошқа соҳа мутахассислари бу жараёнда фаол қатнашса, нур устига аъло нур бўлар эди. Кўплаб мамлакатларда Фуқаролик кодекси лойиҳаларини ишлаб чиқиш муқобил вариантлар асосида амалга оширилган. Масалан, Россияда ҳам хусусий ҳуқуқ Институтини ишлаб чиққан услуб билан Иқтисодиётни ривожлантириш вазирлиги (ўша пайтда вазир цивилист олим Герман Греф бўлган) илмий тузилмаси томонидан яратилган муқобил лойиҳалари мавжуд бўлган. Шу сабабли ҳам агарда Тошкент давлат юридик университетида ёхуд янги ташкил этиладиган Давлат ва ҳуқуқ институтида Фуқаролик кодексининг муқобил вариантлари яратилса, тўғри бўлар эди. Ва бу юқорида қайд этиб ўтганимиздек, фуқароларнинг кундалик ҳаётида ҳар қадамда дуч келадиган Фуқаролик кодексининг мукамалроқ яратилишига амалий таъсир кўрсатади. Келгусида Фуқаролик кодекси лойиҳасини ишлаш жараёнида куйидаги тамойилларга риоя қилиб амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳуқуқни, шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири зарар келтирма (no sri) ҳисобланади. Демак, янги нормалар зарар келтириши истисно этилиши шарт. Иккинчи тамойил, мамлакатимиздаги мавжуд цивилистик фан илмий негиздан самарали фойдаланиш ва учинчидан, иложи борича амалдаги Фуқаролик кодексининг ўзини оқлаган нормалари ва тизимини сақлаб қолишдир. Бу тизим академик Ҳ. Раҳмонқулов ишлаб чиққан тизим. Устозимизнинг мамлакатимиз ҳуқуқшунослик фанига ва фуқаролик қонунчилигига қўшган улкан меҳнатини унутмаслигимиз лозим ва заруратсиз ҳолларда тизимга путур етказишдан сақланиш талаб этилади.

Таҳририят изоҳи: ушбу мақола муаллифи, таниқли ҳуқуқшунос олим Омон Окюлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича Идоралараро комиссиянинг аъзоси.



МАИШИЙ ЗЎРЛИКДАН ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ



Алишер МУРОДОВ,
ИИВ Академияси Ҳуқуқбу-
зарликлар профилакти-
каси кафедраси бошлиғи
ўринбосари, юридик
фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оиладаги носоглом ижтимоий-руҳий муҳит шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ҳамда бошқа қонуний манфаатларига путур етказишига, шунингдек ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli жиноятларнинг содир бўлишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда оила, турмуш муносабатлари доирасида аёллар, болалар ва кексаларга нисбатан жабр-зулм ва зўравонлик қилиш ҳоллари кўпайиб учрамоқда. Хусусан, ҳар йили дунё бўйича аёлларнинг 38 фоизи, 1,5 миллиардгача болалар оилада турли кўринишдаги зўравонлик ва шафқатсиз муомалага, Европада эса ҳар беш нафар боладан бири жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда¹.

Жаҳоннинг айрим давлатларида оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қабул қилинган махсус қонунларда оиладаги низоларни ҳал қилиш, ундан жабрланган шахсларга ижтимоий, тиббий, руҳий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг қонуний асослари мустаҳкамланган ва махсус марказлар ташкил этилган. Лекин, оиладаги зўравонликдан жабрланганларнинг аксарияти ушбу марказларга мурожаат этмаслиги сабабли мазкур ҳуқуқбузарликлар латентлик даражасининг юқорилиги сақланиб қолаётгани бу муаммонинг илмий ва амалий ечимини топиш долзарб вазифа эканлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг юздан ортиқ давлатларида маиший зўрликнинг олдини олиш бўйича махсус қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар доирасида оиладаги низоларни ҳал қилиш, ундан жабрланган шахсларга тиббий, руҳий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус бошпалар ташкил этиш ҳамда унинг профилактикаси юзасидан самарали фаолиятни ташкил этиш механизмлари яратилган. АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция каби давлатларда маиший зўрликнинг олдини олиш ҳамда ундан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш бўйича илғор тажрибалар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, маиший зўрлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда 2019 йил 2 сентябрь куни "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя

қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Натижада тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга ва маиший турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолият олиб борувчи субъектларнинг бу соҳадаги ваколатларини белгилаб беришга имкон яратилди.

Шунингдек, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар ҳамда зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан Давлат статистика қўмитасининг ягона электрон маълумотлар базасига киритиш бошланди.

Энг муҳими, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни қўллаш ҳамда улар билан самарали профилактика ишларини олиб бориш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳимоя ордери бериш ҳамда дастур асосида хулқ-атворни тузатиш бўйича ишлаш тизимининг пайдо бўлишига мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда маиший зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, маиший зўрлик ишлатиш ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор шаклланишининг барвақт олдини олиш

ҳамда унинг самарали профилактикаси борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ҳудудларда низоли оилалар ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан манзилли ва тизимли профилактика тадбирлари олиб борилаётганлиги ўз натижасини кўрсатмоқда. Статистик маълумотлар таҳлил қилинганида, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда оила-турмуш доирасида қасддан одам ўлдириш жинояти 24,3 фоизга, рашк ва оиладаги келишмовчиликлар оқибатида қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш жиноятлари 70,2 фоизга, шунингдек, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда қасддан одам ўлдириш жинояти 25,9 фоизга, қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш жиноятлари 15,7 фоизга камайишига эришилган².

Ачинарлиси, мамлакатимизда ҳар йили 30 мингдан ортиқ оилаларнинг ажралишига оид ажримлар қайд этилиб, бу масалалар бўйича судларга мурожаат этганларнинг 70 фоизидан ортиғи оиласида носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит, эр-хотин, қайнона-келин ўртасида келишмовчилик ва низоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда³.

Бугунги кундаги таҳлилий маълумотлар шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг, хусусан қотилликнинг 28 фоизи, қасддан баданга шикаст етказишларнинг 20 фоизи, ҳақорат қилиш ва тўхматнинг 12,5 фоизи айнан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётганлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени

қаттиқ изтиробга солмоқда”⁴, – деб таъкидлаган эди.

Шу боисдан ҳам бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятига кўйилаётган асосий талаблардан бири бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки уларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш, ҳар бир жиноятнинг адолати ва ҳақиқатини таъминлаш асосий вазифалардан бири сифатида қўйилмоқда.

Маиший зўрликдан жабрланган шахсларнинг аксарияти ўзига нисбатан содир этилган қилмишлар ҳақида ёрдам сўраб ҳеч кимга мурожаат этишмайди. Энг қизиғи, баъзида оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳам жабрланувчи ҳуқуқбузар шахснинг қилмишини яширишга, ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида тан жароҳати олганлигига, ҳаттоки кўзғатилган жиноят ишини тўхтатишга ҳаракат қилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддасида белгиланган жиноятлар бўйича судларда кўрилган ишларнинг 76,3 фоизи тарафларнинг ярашганлиги сабабли тугатилган. Модомики, жиноят ишини тугатишнинг имкони бўлмаган бўлса, жабрланувчи дастлабки тергов ва суд муҳокамаси пайтида айбдорнинг айбини юмшатишга, ҳатто содир этилган жиноятни тўла инкор этишга ҳаракат қилиб, оиласининг бузилиб кетишига йўл қўймасликка ва уни сақлаб қолишга ҳаракат қилган⁵. Шунинг учун ҳам маиший зўрлик оқибатида содир этилган жиноятларнинг латентлик даражаси юқори бўлади.

Маиший зўрликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни ўз вақтида аниқлаш борасида қуйидаги муаммолар мавжуд: а) жабрланувчи ўзига нисбатан содир этилган жиноий тажовузни ҳеч кимга сездирмасликка, бунинг оқибатида бошқалар олдида шарманда бўлмасликка ҳаракат қилиши; б) жабрланувчи ҳаёт тажрибасининг камлиги ва ҳуқуқий онгининг юқори даражада эмаслиги; в) кўрқоқлик, шарманда бўлишга йўл қўймаслик, гап-сўзларга қолмаслик каби хусусиятларнинг мавжудлиги; г) вояга етмаганнинг келажакдаги турмушига мазкур ҳолатнинг салбий таъсир кўрсатишидан қўрқиши; д) айбдорнинг яқин қариндошлари ёки дўстлари орқали жабрланувчини қўрқитиши ва ҳ.к.

Маиший зўрликдан жабрланган шахсларни асосан унинг ожиз аъзолари бўлган болалар, аёллар, қариялар ва ногиронлар ташкил этади. Хусусан, жабрланганларнинг 58,5 фоизини аёллар, 31,9 фоизини вояга етмаганлар, 5,8 фоизини қариялар ва 3,8 фоизини ногиронлар ташкил этмоқда.

Маиший зўрликдан шахсларнинг жабрланишига сабаб бўлувчи омилларни қуйидагилар

**Ҳақиқат ва адолат
билан тўғри сиёсат
юрғизмаган ҳар бир раҳбар
ва бошлиқ қаттиқ
азоб-уқубат ва балога
гирифторм бўлур.**

**Маҳмуд
ЗАМАХШАРИЙ**

билан изоҳлаш мумкин: а) маъмурий ҳудудларда профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда низоли оилаларни аниқлаб, оилаларни яраштириш, ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан таъсирчан профилактик ишларнинг етарли даражада ташкил этилмаётганлиги; б) зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга ўз вақтида ва манзилли ёрдам кўрсатиш тизимининг йўқлиги; в) аксарият хотин-қизларнинг маиший зўрликдан жабрланганлиги ҳолати юзасидан оиладаги низоли ҳолатлар ҳамда уни ижобий ҳал этиш борасида қисқа 11-46-рақамли “ишонч телефони” мавжуд эканлигини билмаслиги ва бу борада ОАВлари орқали тарғибот ишларининг талаб даражасида эмаслиги; г) оила-турмуш доирасида кўп жиноятлар содир этилаётган минтақаларни аниқлаб, у ердаги оилаларнинг муаммоларини аниқлаш ва ўрганиш борасида жамоатчилик фикри юзасидан ижтимоий сўровларнинг ўтказилмаслиги; д) оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан, оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келаётган аёлларни ўз вақтида аниқлаб, уларга руҳий, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида чора-тадбирлар олиб борилмаётганлиги; е) зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларининг етарли даражада моддий-техника таъминоти ва мутахассислар билан таъминланмаганлиги ва бошқалар.

Оилавий маиший зўрликдан жабрланган шахсларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: биринчидан, маиший зўрликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини самарали ташкил этиш; иккинчидан, жабрланган шахсларга ҳимоя ордери бериш тизимини самарали ташкил этиш ва унинг назоратини таъминлаш; учинчидан, маъмурий ҳудудларда яшовчи ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлаб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни ташкил этиш; тўртинчидан, оила турмуш доирасида зўравонликка дучор бўлаётган шахслар ўртасида мақсади яширинган ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда ушбу қилмишларнинг латентлигини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; бешинчидан, маиший зўрликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш, таҳлил қилиш, уларнинг барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан тизим яратиш; олтинчи-



дан, маиший зўрликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари ҳамда ишонч телефонлари фаолиятини самарали ташкил этиш; еттинчидан, зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга ўз вақтида манзилли ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш, ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва унга эрта барҳам бериш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш; саккинчидан, оила-турмуш доирасида жиноятлар, уларнинг салбий оқибатлари ва келиб чиқишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини мунтазам хабардор этиб бориш; тўққизинчидан, оиладаги долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида вақти-вақти билан жамоатчилик фикрини ўрганиш, улар асосида низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни бартараф этишга доир дастурлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш маиший зўрлик ишлатиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда унинг латентлигининг олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://www.maimakool.ee/wp-content/uploads/2017/11/prezentacyja-hlava-10.pdf>.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг маълумотномаси.
3. Тадқиқот жараёнида ўрганилган статистик материаллар, суд-тергов ва жиноят ишлари бўйича суд архиви материалларининг таҳлил натижалари.
4. Шавкат Мирзиёев, Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Халқ сўзи. –Т., 2017. – 16 июнь.
5. Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа док. дисс. – Т., 2019. – 97 б.



Ойбек ҲАСАНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Наманган вилоят суди
раисининг ўринбосари

ДАЛИЛЛАР ВА ИСБОТЛАШ: ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимиздаги моддий ва процессуал қонун ҳужжатларида судлар фаолиятида исботлаш ва далилларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш, унинг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларда акс этиши, далиллар ва исботлаш институтининг Германия судлари фаолиятидаги тажрибаси ўрганилди.

Калит сўзлар: далиллар, исботлаш, Германия тажрибаси, судлар фаолияти, хорижий тажриба.

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрен опыт работы института доказательств и доказывания в судебной деятельности Германии, определение правовой природы доказательств и доказывания в деятельности судов в материальном и процессуальном законодательствах нашей страны, его отражение в нормах материального и процессуального права.

Ключевые слова: доказательств, доказывание, опыт Германии, деятельность судов, зарубежный опыт.

ANNOTATION

The article highlights determining of legal nature of evidence and proof in judicial activities, indicating of evidence and proof within the material and procedural norms. The author studied experience of the evidence and proof in Germany.

Keywords: evidence, proof, experience of Germany, judicial activities, foreign experience.

Мамлакатимиз процессуал қонунчилигида исботлаш воситалари далиллар ҳисобланади. Судга оид далиллар бу иш учун аҳамиятли бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг қонун билан белгиланган процессуал воситаларига ва исботлаш аҳамиятига эга бўлган фактларга айтилади.

Исботлаш – тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг судга далиллар келтиришидан, баёнотлар беришларидан, қарши томоннинг тушунтиришларидан ва келтирилган далилларга қарши эътироз билдиришдан, далилларни таҳлил қилишдан, низоли фактлар тўғрисидаги далиллардан хулоса чиқаришдан иборат бўлади.

Судда исботлашнинг мақсади процессуал қонунда кўрсатилган тартибда муайян ишни ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилашдан иборат бўлиб, судда даъво кўзғатилганида, аввало тарафлардан исбот келтириш, яъни даъво талабининг асосли ёки асоссизлигини исботлаш талаб қилинади.

Хорижий давлатларнинг бу борада ўрганилган қонунчилиги шу жумладан, Германия Федератив Республикасининг Фуқаролик процессуал қонунчилиги ўзига хос тажриба бўлиб, далиллар ва исботлашга оид нормалардаги қатъиятлилиқ билан бир қаторда суд жараёнидаги эркинлик ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Низо ҳал қилинмагунга қадар суд ва тарафларни иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилий маълумотларни тўплашга оид фаолияти тўхтамайди. Суд ва тарафларнинг далилларни тақдим қилиш, тўплаш, баҳолаш, текшириш жараёни немис далиллар назариясида исботлаш дейилади.

Исботлаш – тақдим қилинган далилнинг ҳаққонийлиги судни ишонтира олиш демакдир. Далиллар орқали судья иш бўйича фактик маълумотларнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилади. Немис суд иш юритувида судьянинг ишончи дейилганида, тўлиқ ишонч ҳосил қилиш тушунилиб, эҳтимолнинг устунлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Судьяда ишонч ҳосил қилишнинг шаклланишида эътиборли жиҳат шундаки, иш юзасидан мавжуд маълумотларни мутлақ математик аниқлик ҳолатида тасдиқланиши шарт эмас, муҳими кўрилаётган иш юзасидан эҳтимоллик даражаси шундай бўлиши керакки, судьяда иш бўйича шубҳага ўрин қолмаслиги зарур.

Бундай қараш назарий асосларга эга бўлиб, немис процессуалист олими Шнайдернинг фикрига кўра, юридик далил фактик далил эмас, балки у далил мавжудлигининг эҳтимолий таҳлилини ташкил қилади. Демак, немис олимлари инсон билимининг имкониятлари чексизлигини тасдиқлайдилар. Шунинг учун ҳам инсон билимлари доирасида ҳар доим ҳам суд процессида мутлақ ҳақиқатга эришишнинг имконияти бўлмайди.

Далилларни асослашда унинг мутлақ аниқлигига ишонтириш шарт эмас, бунда далилларни шубҳадан холи бўлишлигининг ўзи кифоя қилади. Аммо, аниқ фактларга асосланмаган шубҳа суд қарорига асос сифатида қўйилиши мумкин эмас. Суд қарорининг асосида судья ҳаққонийлигига ишонч ҳосил

қилган ва иш юзасидан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган далил қўйилиши муҳимдир. Аммо, тақдим қилинган фактик маълумотни оқилона назорат доирасидан четга чиққан ҳолда судьянинг шахсий нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги маъносини англамайди. Судьянинг вазифаси кўпроқ тақдим қилинган фактик маълумотни субъектив баҳолашдан ташқари, уни объектив асосларга эга бўлиши ва судьянинг ишончини ҳосил қилишини талаб этади. Германия Федератив Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 286-параграфига кўра, суд мажлисида судья ўз ички ишончи асосида тўпланган барча далилларни ҳаққоний ёки ҳаққоний эмаслигини ҳисобга олишга мажбурдир. Суд қарорида судьянинг ишончини қозонган асослар аниқ кўрсатилиши лозим.

Тор доирада исботлаш ва процессуал мазмунда исботлашни ўзаро фарқлаш лозим. Немис исботлаш назариясига кўра тор доирадаги исботлаш бу иш юзасидан келтирилган важлар ва фикрларнинг ҳаққонийлиги ёки ҳаққоний эмаслигида судьянинг юқори даражада ишонч ҳосил қилиши тушунилади. Процессуал мазмундаги исботлаш эса қатъий ва эркин бўлиши мумкин.

Қатъий исботлаш деганда, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суд томонидан аниқланиши тушунилиб, бунда исботлаш жараёни исботлаш ҳуқуқий нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда тортишувчанлик, суд муҳокамасининг бевоситалиги ва оғзакилиги тамойиллари асосида амалга оширилади. Бунда фақатгина ГФР ФПКда назарда тутилган далилларгина қўлланилиши мумкин.

Эркин исботлаш жараёни эса суд билан боғлиқ бўлмай, ГФР ФПКнинг 293-параграфига кўра, судга маълум бўлмаган чет эл нормалари, низомлар ва шу кабиларга татбиқ этилади. Эркин исботлашнинг ўзига хос ҳуқуқий табиати ҳам шундан иборатки, бундай исботлаш процессуал шаклга эга бўлмагани ҳолда қонунчилик билан тартибга солинмайди.

Судда исботлаш икки босқичда амалга оширилади:

- 1) муайян исботлаш воситалари орқали далилларни тақдим қилиш (*der Beweisantritt*);
- 2) далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш (*der Beweisaufnahme*).

Далилларни судга тақдим этиш тарафларга масъулият юклаб, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Бироқ, немис қонунчилигига кўра ихтиёрийлик тамойилида истиснолар мавжуд бўлиб, суд далилларни қабул қилишнинг ўзи билан чекланмай, тарафларни сўроқ қилиши, экспертиза тайинлаши, тарафларда мавжуд бўлган қўшимча далилларни тақдим қилишни талаб қилиши мумкин.

Судда далилларни таъминлаш ва исботлаш жараёни судьянинг махсус ажрими асосида ёки талаб қилинган шаклга риоя этилмаган ҳолдаги ажримига асосан амалга оширилади. Агарда исботлаш суднинг махсус ажрими асосида амалга оширилаётган бўлса,



суд ГФР ФПКнинг 359-параграфига белгиланган тартибда далилларни текшириш ҳақида ажрим чиқаради. Бундай ажрим ишни оғзаки муҳокамаси давомида ўрганишнинг имкони бўлмайдиган далилларни тадқиқ қилиш зарурати вужудга келган вақтда чиқарилади. Суднинг бундай ажрими оғзаки муҳокама вақтигача чиқарилиши ва ижро этилиши лозим.

ГФР ФПКнинг 359-параграфига бундай ажримларни чиқариш асослари батафсил кўрсатилган бўлиб, булар:

- 1) суд топшириғини бажарувчи шахс томонидан тўпланиши ва суд мажлиси баённомасига киритиши зарур бўлган ҳолатлар юзасидан;
- 2) расмий маълумот ва тушунтиришларни талаб қилиш юзасидан;
- 3) гувоҳни сўроқ қилишда ундан аниқ ёзма жавоб олиш ҳақида;
- 4) экспертиза ўтказиш;
- 5) кўздан кечиришни амалга ошириш.

Суднинг бундай ажримида исботлаш талаб қилинган низоли ҳолатнинг номи, сўроқ қилиниши лозим бўлган эксперт ва гувоҳларни аниқ кўрсатган ҳолда исботлаш воситаларининг белгиланиши, исботлашни сўраб мурожаат қилган тараф кўрсатилиши лозим.

Немис Фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, суд одил судловни далилларни таъминлаш ва текшириш тўғрисида махсус ажрим чиқармаган ҳолда ҳам амалга ошириши мумкин. Бу иш юзасидан суд жараёни сезиларли даражада соддалаштирилади. Бундай ҳолатда исботлаш жараёни суднинг оғзаки муҳокамаси босқичи давомида амалга оширилади ва махсус ажрим чиқарилиши талаб этилмай, судья ўз хоҳишига кўра шаклланган амалиётга асосан иш тутати, чунки бу ҳолат немис қонунчилигида аниқ кўрсатилмаган.

Суд жараёнида исботлашнинг таркибий қисмларидан бири бу далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўлиб, немис процессуал назариясида юридик атама билан аталиб (*die Beweisaufnahme*), бунда бир тарафнинг судга далилни тақдим қилишининг ўзи кифоя бўлади.

Кўриниб турибдики, миллий процессуал қонунчилигимиздаги далиллар ва исботлашга оид нормалар ГФР процессуал қонунчилиги тамойиллари мазмунига мос келади.

Умуман олганда, халқаро ҳуқуқ нормалари миллий қонунчилигимиздаги қонунлар мазмун-моҳиятида ўз ифодасини топган.

“МЕНИ ҚАТТИҚ ТАЪСИРЛАНТИРГАН ҲОЛАТ...”

Нилуфур МҶМИНОВА

Болаларни ўргатинг ва сизда катталарни
жазолашга ҳожат қолмайди.

Пифагор

Дадам биз – фарзандларига доимо бир насиҳатни кўп уқтирардилар: “Болам, ҳалол яшаш жуда ҳам оғир. Лекин шундай бўлса-да, ҳалол яшагин”. Мен эса болаларча бепарволик билан “ҳалол яшашнинг нимаси оғир экан? Шундоқ яшайсан, умр ўтаверади. Бировдан пул, қимматбаҳо буюм олмасанг бўлди-да” деб ўйлардим. Аммо, мана қарийб ярим аср яшаб қўйибманки, бу ҳолат фақат бир одамнинг ўзигагина боғлиқ эмаслигини, ўз ишини битириш учун ҳеч нарсадан, ҳаттоки тухматлар уюштиришдан, одам ўлдиришдан ҳам тап тортмайдиган баъзи кимсаларни кўриб, ҳалол яшашнинг оғирлиги катта харсанг тошни кўтаришдан ҳам қийин эканлигини ҳис қилмоқдаман. Бироқ, нафсни ва ҳирсни жиловлаш, унинг қулига айланиб қолмаслик учун инсон зоти қанчалар азоб ва уқубатларга дучор бўлиши барчага ҳам маълум эмас. Орамизда бу хусусда ўйлаб кўрмаган инсонларнинг борлиги эса унданда оғир...

Баланд ва ҳашаматли иморатлар қуриш, фаровон ҳаёт кечирish, қимматбаҳо машиналарда юриш, гўзал либослар кийиш иштиёқи кимда туғилмаган дейсиз. “Менда бундай иштиёқ ҳеч қачон туғилмаган ва туғилмайди ҳам” дейдиган одам эса энг буюк ёлғончидир. Аммо, ҳар ким ҳам шу иштиёқни енга олишнинг уддасидан чиқа олмайди.

Биз жангу-жадаллар ичра Ватан озодлиги йўлида ширин жонини тиккан, душманлар билан мардонавор кураш олиб бориб, жон олиб-жон берган, охир-оқибатда юртига улкан ғалабалар билан қайтган жангчиларни юксак эҳтиромимиз билан қадрлаймиз, улар ҳақида қанчадан-қанча тарихий асарлар ёзилади, куй-қўшиқлар битилади, мазкур жанговарликлари учун ҳукуратимиз уларнинг кўксини кўплаб орден ва медаллар билан безайди. Аммо, бутун умр ўзи билан ўзи курашиб, нафси ва ҳирсини енга олган одамга ҳеч ким ҳеч қандай нишон бермайди ва бермаган ҳам. Аслида виждоннинг ҳамиша уйғоқлиги инсон учун энг юксак унвон эмасми?!

Мен, Судьялар олий кенгаши раиси Убайдулла Мингбоев ҳақида ҳали судья сифатида фаолият юритмасимдан аввал ҳам кўп мартаба эшитганман. Лекин, бу инсон ҳақида ёзувчи Шохруҳ Акбаровнинг “Касби-корим адолат бўлди” деб номланган асарини ўқиб, у кишининг қисмати билан яқинроқ танишиш шарафига мушарраф

бўлдим. Агар мазкур китоб дунё юзини кўрмаганида, минглаб китобхонлар қатори мен ҳам ҳеч қачон Убайдулла Мингбоевнинг машаққатларга тўла ҳаёт йўлидан беҳабар қолган бўлардим.

Бундан ташқари, судьялик қисматини бошимдан кечирган пайтларимда, мазкур китобнинг таъсири жуда катта бўлган. Мен ўзбек ва чет эл адабиёти асарларини диққат билан ўқийдиган бир китобхон сифатида шуни айтишим мумкинки, реал ҳаётдан олинган асарларнинг қаҳрамонлари кишини кўпроқ ўзига ром этади ва ҳайратлантиради. Чунки бадиий адабиёт ёзувчининг тафаккури ва ҳаёлотидан худди янги туғилган чақалоқдай дунёга келади. Автобиографик асарларда эса реал воқеликлар биринчи ўринда туради, уни ҳаёлни кучи билан бўрттириш ёки яратиш асло мумкин эмас. Менга мазкур асардаги инсон иродасининг шаклланиш ва товланиш жараёни ёққанлиги сабабли 14 яшар қизимнинг туғилган кунда мазкур китобни унга совға қилдим. Мен, балки 14 яшар китобхонга ҳазм қилиш оғирроқ бўлган, унинг ёшига мос келмайдиган китобни раво кўргандирман. Аммо, фарзандимнинг яхши инсон бўлиб шаклланишида отлар, лилипутлар ва яна аллақандай мамлакатларга тушиб қолиб, саёхатдан боши чиқмаган Гулливер ёки дарахтдан-дарахтга сакраб юрадиган, ҳайвонлар билан бемалол тиллаша оладиган бир Мауглидан эмас, ўзимиз билан

муқаддас заминда яшаётган, бир ҳаводан нафас олаётган инсондан ўрناق олишини жуда-жуда истаган эдим. Хаёлан эса мазкур асар қаҳрамонига мурожаат қилиб, “Фарзандимга қандай яшамокликни ўргатинг!” дейман.

Судлар томонидан адолатли, қонуний ва асосли қарорларнинг қабул қилиниши айрим кимсаларга умуман ёқмаслигини, қонунларда назарда тутилган тартиб-қоидалар уларнинг манфаатларига зид келиб қолган тақдирда қандай ҳолат юзага келишини тўлиқ тасаввур қила оласизми? Мазкур саволга “ҳа” дея жавоб қайтара олмаслигингиз табиий ҳол, албатта. Бунинг оғир оқибатлари ҳақида фақат судьялик лавозимида ишлаганларгина яхши билишади. Убайдулла Мингбоевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган асарни ўқир эканман, бу инсоннинг сабр-тоқати темирдан ясалганми ёки тошданми дея, ўзимга ўзим савол бераман. Болалиги ва ўсмирлиги жуда оғир кечган аксарият одамлар ўзининг яшаш тарзи ва эриша олмаган ютуқлари учун жамиятдан бутун умр нафратланиб ўтадилар, одамлардан аламзада бўлиб яшайдилар. Бироқ, мазкур асар қаҳрамони болалиги ва ўсмирлиги оғир кечган бўлишига қарамасдан ўз олдига улкан мақсадларни қўйди. Ҳаёт деб аталмиш узундан-узук, гоҳида тупроқли, гоҳида тошли йўлнинг сўқмоқларида адашиб қолмади, бутун умри давомида Ватанга ҳалол ва виждонан хизмат қилишга бел боғлади. Йўлларида учраган турли жонли ва жонсиз тўсиқлар унинг йиллар давомида шаклланган собит фикрини ўзгартира олмади, метин иродасини букмади.

Китобни ўқиш жараёнида қаҳрамон тўсиқларга учраганида мен ҳам азобландим, ҳаёт уни тақдирлаганида эса менинг ҳам кўнглим худди ёмғирдан кейин балқиган кўёшдек ёришди. Айниқса, китобдаги асар қаҳрамони Сурхондарё вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимида ишлаган йиллари кўрган суд иши — ўша даврдаги Жиноят кодексининг 175-моддаси, яъни чайқовчилик жиноятини содир этганлиги учун кўлсиз, оёқсиз, биринчи гуруҳ ногирони бўлган судланувчини 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги билан боғлиқ ҳолатни ўқиганимда, беихтиёр кўзларимда ёш қалқиди. Мен ҳам жиноят судида ишлаган пайтимда, судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган судья сифатида усиз ҳам қисматидан озурда инсоннинг келгуси тақдирини белгиланаётганлиги нуқтаи назаридан бундай вазиятда ҳукм чиқаришда етти маротаба эмас, етмиш маротаба ўлчаб, бир маротаба кесиш кераклигини доимо ўйлаб турардим.

Аммо “Гуручнинг орасида ҳам курмак бўлади” деган нақл бор халқимизда. Орамизда бундай шафқатсиз судьяларнинг битта бўлса ҳам мавжудлиги ўз виждонига қулоқ тутадиган



судьялар кўп бўлгани ҳолда тарозининг иккинчи палласи босиб кетишига туртки, адолат борлигига нисбатан ишончининг йўқолишига сабаб бўлади.

Ҳақиқатнинг худди атиргулдай ифоридан кўра тиканлари кўп бўлади. Бироқ, ҳамма ҳам унинг тиканларига дош бера олмайди. Мисол учун, айрим судьяларнинг руҳий ва жисмоний таъйиқларга чидай олмасдан кимларгадир тўхмат қилиб, нотўғри кўрсатма берганликлари ёки адолатсиз жазо тайинлаганликлари тарихдан маълум ва адолат пешволарининг шундай йўлни танлаганликлари ёки танлашга мажбур қилинганликлари жуда ҳам оғриқли, албатта. Уларнинг орасида фақатгина мансаб пиллапояларидан кўтарилиш учун шу йўлни афзал деб билганлари ҳам бўлган.

Лекин, орамизда китоб қаҳрамони сингари суднинг обрў-эътибори ва такомилли учун бутун умрини фидокорликка бағишлаган, том маънода яхшилик ва эзгулик жангчилари бўлган инсонларнинг мавжудлиги бутун суд тизими ходимлари онгида фахр ва ифтихор туйғуларини сингдиради.

Яқинда бир чет эл кинофильми намойишини кўриб қолдим. Унда танг вазиятда қолган бош қаҳрамонлардан бири ўз фарзандига қарата шундай фикрларни билдирди: “Тақдир шамоли инсонни худди уруғлар каби турли манзилларга улоқтириб ташлайди. Биз ўзимиз учун муносиб бўлган маконни ўзимиз танлай олмаймиз. Аммо, биз қайси макон ва замонда бўлмайлик, қандай уруғдан униб чиққан бўлсак, ўшандай ҳаёт кечирамиз. Биз чинор дарахтининг уруғларимиз, чинордайин яшаймиз...” деган эди.

Назаримда, ёзувчи Шохруҳ Акбаровнинг қаҳрамони ҳам бамисоли чинор дарахти... Гўёки, тўғрилиқ ва адолат тимсолидек. Токи шундай чинорлар бор экан, ҳақиқат ва адолат барибир тантана қозонишига, бунинг рамзий белгиси сифатида, ҳаттоки сенинг ва менинг юрагимизда доимо ҳилпираб турувчи байроқ ўрнатилишига сабаб бўлишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.



Шерзод ОХУНОВ
Судьялар олий
мактаби мустақил
изланувчиси

ДАВЛАТЛАРАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ НИЗОЛАР ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

Халқаро инвестициявий низолар давлатлараро инвестициявий шартнома ва битимлар қоидаларининг турлича талқин этилиши ҳамда қўлланиши билан боғлиқ. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларда халқаро инвестициявий низолар шартнома қоидаларининг бузилиши натижасида юзага келади.

Халқаро инвестициявий низолар ва уларни ҳал этиш давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг қай ҳолатда эканлигини англатиб, уларни ўзаро мулоқотга чорлайди. Давлатлар ўртасида юзага келган инвестицияга оид низоларни тинч йўл билан мурасага келтириш. Бугунги кунда халқаро ҳуқуқ нормаларда инвестициявий низоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларга нисбатан ҳуқуқий, доктораниал баҳо бериш катта маҳоратни талаб этади.

Даставвал “низо” тушунчасига тўхталиб ўтсак. Илмий адабиётларда, жумладан, рус олими И.Лукашук ва профессор Акмал Саидовнинг таъкидлашича, халқаро ҳуқуқда “халқаро низо” атамаси икки хил, яъни тор ва кенг маъноларда қўлланилади. Тор маънода муайян иштирокчилар, ўзаро етарлича бўлган очиқ-ойдин ўзаро даъволар, муайян аниқ предмет билан боғлиқликни ифодаловчи вазиятларгина тушунилади. Кенг маънодаги халқаро низо деганда, давлатлараро муносабатларда юзага келадиган “вазият” деб аталадиган ҳар қандай низоли ҳолатлар ангилашилади [1].

Амалиётда халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари музокаралар, маслаҳатлашув, хайрли хизматлар, воситачилик, фактларнинг аниқланиши ҳамда сулҳ (мураса процедураси) кабиларни ўз ичига олиб, давлатлар томонидан ўзларига қулай шаклни танлаган ҳолда мурасага келинади.

Ҳуқуқий соҳалардан бири бўлган халқаро иқтисодий ҳуқуқда давлатлар ўртасидаги инвестициявий низолар анча кенг талқин

қилиниб, халқаро инвестицияларни қабул қилувчи давлат-реципиент билан бошқа давлатнинг инвестор сифатидаги фаолият юритувчи жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ўз ичига олади.

Шунингдек, юридик адабиётларда ҳам инвестицияга оид низоларга ушбу соҳа вакиллари томонидан турлича фикр ва мулоҳазалар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Е.Попованинг фикрича, инвестициявий низолар инвестиция фаолияти доирасида юзага келадиган низоларни ҳал қилишнинг энг яхши вариантини излаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар мажмуи сифатида тушунилиши керак [2]. Рус олими С. Крупнининг таъкидлашича, инвестициявий низоларни таснифлашда даъво моҳиятини, низолининг келиб чиқиши учун унинг асосини ва низо предметининг мезонларидан фойдаланишни кўрсатиб ўтган [3]. Бошқа бир олим А. Данельянининг фикрича, инвестициявий келишувлардан келиб чиқадиган инвестициявий низоларни квадрат низолар деб аташ мумкин [4].

Машҳур ҳуқуқшунос олим М. Богусловскийнинг эътирофи этишича, инвестициявий низолар деганда тор маънода давлат ва хорижий инвесторнинг охириги киритган инвестиция фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий низолар тушунилади [5].

Бундан ташқари, халқаро оммавий ҳуқуқда халқаро инвестициявий низолар вужудга келиш асосларига кўра икки гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳга давлатнинг инвестиция фаолиятига аралаштиш тўғрисидаги

бир томонлама суверен ҳаракатлар билан боғлиқ низолар кирса, иккинчи гуруҳга эса инвестиция шартномасини имзолаган томонлар ўртасида юзага келадиган низолар қамраб олинади.

Халқаро инвестициявий низоларда низо субъектларининг таркиби ички инвестициявий низолардан фарқ қилган ҳолда, хорижий инвестор, хорижий инвестицияни олувчи, хорижий инвестицияни қабул қилувчи давлат ҳамда хорижий инвестор мамлакат ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олиб, кўпинча комплекс ҳуқуқий тартибга солишга ва улар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш усулларига олиб келади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларида инвестор-давлат қабул қилувчи давлатга ўзининг инвестициявий даъволари тўғрисида хабар бериши ва иккинчисининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қоплаш учун даъво юбориши керак. Низолашаётган давлатларнинг розилиги билан низо музокара ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилиши, халқаро суд органига ёки арбитражга юборилиши мумкин.

Ҳозирги пайтда давлатлар ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳал этишда 1965 йил 18 мартдаги “Давлатлар ва хорижий шахслар ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Вашингтон конвенциясининг 25-моддасига мувофиқ конвенцияга аъзо-мамлакатларнинг ёзма розилиги асосида Халқаро марказ (ICSID) томонидан инвестициявий низолар кўриб чиқилади [6].

Ушбу конвенцияга биноан аъзо-давлатлар томонидан инвестициявий низолар юзага келган тақдирда низони халқаро ҳуқуққа мос равишда тоифаларга ажратган ҳолда тақдим этиб, Конвенцияга мувофиқ белгиланган муддат ҳамда тартибда Халқаро марказ (ICSID) томонидан кўриб чиқилади. Унинг ваколатларига:

а) низолар, албатта, инвестициялар билан боғлиқ бўлиши;

б) низолашаётган мамлакат “Давлатлар ва хорижий шахслар ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Вашингтон конвенциясининг аъзо давлати бўлиши;

в) низолашаётган томонлар Халқаро марказга (ICSID) ўзининг ёзма розилигини билдириши керак [7].

Ушбу Конвенция халқаро ҳуқуқда хорижий инвестицияларни қабул қилувчи давлатнинг дахлсизлигига зарар етказмаган ҳолда Халқаро марказ (ICSID)нинг ваколат-

ларини аниқ белгилаб беради. Инвестициявий низоларга нисбатан бундай халқаро ҳуқуқий ёндашув туфайли Халқаро марказ (ICSID) кўплаб давлатларни ўзига жалб эта олди ва Вашингтон конвенциясига кўшимча Протокол имзоланиши муносабати билан вазият тубдан ўзгариб Халқаро инвестициялар арбитражи институти нафақат инвестициялар билан боғлиқ, балки улар агар оддий тижорат битимидан ташқарига чиқилган битимлар натижасида келиб чиқадиган низоларни ҳам кўриш ваколатига эга бўлди [8].

Халқаро марказ (ICSID)нинг ташкил этилиши халқаро тижорат арбитраж соҳасининг ривожланишини ўзида намоён этиб, Марказ томонидан ҳал қилинадиган низоларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллайдиган Халқаро марказ Арбитраж Трибунали мавжудлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик 1988 йилда Сеул конвенцияси асосида ташкил этилган бўлиб, у ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра давлатлараро халқаро ташкилот ҳисобланади. Ҳуқуқшунос олим В.Трапезникованинг фикрича, Сеул конвенцияси дунёнинг кўп сонли давлатлари тан олган агентлик томонидан амалга оширадиган сиёсий хавф-хатарлардан сугурталашда суброгация принципини ўзида намоён қилган ҳужжат ҳисобланади [9]. Фикримизча, суброгация тизимининг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилиши инвестицияларни ҳимоялашда хорижий инвесторлар ҳамда манфаатдор томонлар учун муҳим роль ўйнаб, низо юзага келгунга қадар икки томонлама шартномаларда кўрсатиб ўтилганидек қоплаб беришни кафолатлайди.

Шунингдек, халқаро инвестиция шартномаларида хорижий инвесторлар ва қабул қилувчи давлатлар ўртасидаги низони





мустақил арбитражда ёки суд органида ҳал қилиш тўғрисида қоида мавжуд бўлмаган тақдирда, халқаро ҳуқуқий даражада дипломатик ҳимоя ягона қўлланиладиган чора ҳисобланади [10]. Шу билан бирга икки томонлама инвестициялаш тўғрисидаги битим қоидаларидан келиб чиқадиган даъволар одатий қонунчиликдан келиб чиқадиган даъволарга нисбатан аниқ устунликка эга.

Биринчидан, икки томонлама инвестиция шартномаси одатда томонларнинг низоларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида уларнинг ёзма келишувини ўз ичига олади, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг одатий қоидаларини бузиш натижасида келиб чиқадиган низоларда уларни ҳал этиш механизми алоҳида давлатлараро музокаралар мавзуси ҳисобланади.

Иккинчидан, икки томонлама инвестиция шартномасининг қоидалари инвестиция қабул қилувчи давлатга халқаро ҳуқуқнинг одатий қоидаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ, хорижий инвестор билан муносабатларда кенгроқ ҳуқуқларни беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва уларнинг мамлакатимиз ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширишида юзага келадиган низоларни музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этиш, мазкур ҳолатда тарафлар келишувга эришмаса бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши ёки тегишли суд томонидан ҳал қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг имзоланган ва амалдаги халқаро шартномалари ва (ёки)

инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида халқаро арбитражга мурожаат қилиш пайтида тузилган шартнома доирасидаги ёзма розилик масаласи “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 63-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 239-моддасида кўрсатилган ўнта ҳолатлар бўйича чет элликлар билан боғлиқ иқтисодий ишлар Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқилади.

ИПКнинг 248-моддасига асосан “чет давлатлар судларининг ва арбитражларининг иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар ҳамда бошқа ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, агар бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан тан олинади ва ижрога қаратилади”.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, давлатлар ўртасидаги инвестициявий низоларни халқаро ҳуқуқ доирасида ҳал этиш, биринчидан, халқаро ҳуқуқнинг умумий принципларига мос равишда амалга оширилишига олиб келса, иккинчидан, давлатлар ўртасида инвестициявий низоларни халқаро доирада кўриб чиқиш тажрибаларини юксалтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: «Адолат», 2006. – 424 б.
2. Попов Е.В. Разрешение международных инвестиционных споров. // Правоведение. -2000. - № 4. - С. 159 - 170.
3. Крупко С.И. Инвестиционные споры между государством и иностранным инвестором: дис. ...на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – М., 2002.
4. Дanelьян А.А. Международно-правовой механизм урегулирования инвестиционных споров. Аграрное и земельное право. 2014. № 4(112)
5. Богуславский М.М. Правовое положение иностранных инвестиций. М., 1993. С. 198-212.
6. Георгиев В.К. Защита и поощрение иностранных инвестиций. — М., 2004.
7. Дanelьян А.А. Арбитраж МЦУИС в системе международного инвестиционного права. Международный правовой курьер. 2014.
8. Additional Facility Rules, art. 4(3) // ILM. V. 21. 1982.
9. Фархутдинов И.З. Международное инвестиционное право. Теория и практика применения. — М.: Волтерс Клувер, 2005. — С. 377.
10. Абашидзе А.Х., Козьменко А.В. Разрешение международных инвестиционных споров между государствами. Вестник РУДН, серия Юридические науки, 2012, № 3.

СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ПРОЦЕССУАЛ ҚАРОРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ

Судга шикоят қилиш ҳуқуқи — фуқаролар томонидан уларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд тартибидан тиклашни талаб этадиган ҳуқуқдир.

**Шухратжон ҚУРБОНОВ,
Шароф ЭШИМОВ,
Судьялар олий мактаби
тингловчилари**

Жиноят-процессуал қонунчилиги шахс ва жамиятни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқларини фақат қонунда белгиланган тартибда чекланишига йўл қўяди, бироқ шахс ҳуқуқларини асоссиз чекланишини ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш унданда муҳимлигини эътироф этган ҳолда процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини принцип даражасига кўтарган.

Ишни судга қадар юритишга масъул мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракат (ҳаракатсизлиги) лари устидан шикоятларни суд томонидан тарафлар иштирокида кўриб чиқилиши тарафларнинг тенглиги ва тортишув конституциявий принципини ишни судга қадар юритишдаги кўринишларидан бири бўлиб, суднинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги алоҳида ролини кўрсатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “...прокурор қарори устидан судга муружаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда” деб мазкур масалага алоҳида эътибор қаратган эди.

Ишни судга юритиш босқичида қамоққа олиш, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал қилиш суднинг ваколатига тааллуқли бўлсада, ишни судга юритиш босқичида процессуал қарорлар ва ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳолатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги суд назоратининг самарадорлигини пасайтиради.

Ишни судга қадар юритиш босқичида инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида куйидаги масалалар бўйича судга шикоят қилиш мумкинлиги жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади: 1) тафтиш тайинлаш (Жиноят процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) 187²-модда); 2) суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини кўзғатишни рад этиш (ЖПК 333-модда); 3) жиноят иши кўзғатиш (ЖПК 338-модда); 4) дастлабки терговни тўхтатиш (ЖПК 369-моддаси); 5) жиноят ишини тугатиш (ЖПК 374-модда); 6) жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилишни рад этиш (ЖПК 329-модда) ва ҳ.к. Тафтиш тайинлашдан ташқари мазкур процессуал қарорларни бир-бирига яқинлаштириб турадиган муҳим

хусусият бор. У ҳам бўлса, жиноят судлов ишларини юритиш юқорида қайд этилган қарорлар асосида барҳам топади, бошқача қилиб айтганда, процессуал муносабатлар юритилиши тугайди. Жиноят процесси иштирокчиларининг дастлабки тергов босқичида мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари устидан судга шикоят қилишлари тўғрисида юридик адабиётларда кўплаб фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Масалан, О.В.Химичева, “Фуқаролар суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарорлари, ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари оқибатида конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказилди, деб ҳисоблаган ҳар бир ҳолда судга шикоят қилишга ҳақлидирлар”, - дейди.

ЖПКнинг 382-моддасига кўра, суриштирувчи ва дастлабки терговни амалга ошириш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш ваколати прокурорнинг зиммасига юклатилган. Мазкур моддада белгиланган ваколатлардан келиб чиққан ҳолда прокурор: суриштирувчилар ва терговчиларнинг, шунингдек терговга қадар текширувчи амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қонунга хилоф ва асоссиз қарорларини, шу жумладан жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги, жиноят ишини кўзғатишни рад этиш, тафтиш ўтказиш, суриштирувчи ёки дастлабки терговни тўхтатиш ҳамда жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорларини бекор қилишга ҳақли. Таъкидлаш жоизки, суриштирув ва дастлабки тергов органининг қонунга хилоф қарорларини прокурор фақат чиқарилган қарорга рози эмаслик тўғрисидаги ариза мавжуд бўлган тақдирдагина, шунингдек суриштирув ва тергов материалларини назорат тартибидан бевосита ўрганиш натижаларига кўра бекор қилиши мумкин. Шунга қарамай чиқарилган қарорларнинг қонунийлигини ўрганишнинг мавжуд механизмидаги муаммолар унда суриштирув ва дастлабки тергов босқичида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирлар етарли эмаслигидан далолат бермоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шикоят қилиш ҳуқуқи мавжудлигининг ўзи, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш кафолати сифатида кўрилиши мумкин эмас. Фақатгина, ишнинг ҳар қандай босқичида одил судловга эришиш ҳуқуқи кафолатланганлиги ва суднинг процесс иштирокчиларини бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолияти мазкур ҳуқуқни амалга ошишини таъминлайди.



Ўткир НОМОЗБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши-
нинг етакчи инспектори,
иккинчи даражали адлия
маслаҳатчиси

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Сўнгги вақтларда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар давлат бошқарувини демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлигини таъминлаш, эркин касб танлаш ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Ислохотларда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакат нуфузига салбий таъсир этувчи баъзи бир омилларнинг мавжудлиги олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигига путур етказмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Одам савдоси бўйича 2018 йилги ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси Махсус кузатув рўйхатидаги 2-гурӯх таркибига киритилган бўлиб, бунга, 2017 йилги пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатнинг ҳукумат томонидан амалда қўлланиши сабаб бўлган. Жами 2,6 миллион ишчи кучининг тахминан 336 000 нафари мажбурий меҳнатга жалб этилган. Бундан ташқари, 2015 йилдаги 696 та тергов ва суд ишлари ҳамда 372 та жиноий жавобгарликка тортиш кўрсаткичларига нисбатан ҳукумат томонидан 609 та тергов ишлари, шу жумладан, 204 та жинсий эксплуатация ва 32 та мажбурий меҳнат билан боғлиқ жиноий ишлар кўриб чиқилганлиги айтилган.

АҚШ Меҳнат вазирлигининг болалар меҳнатидан фойдаланишнинг энг ёмон шакли бўйича хулосалар жамланган

17-йиллик ҳисоботида Ўзбекистон биринчи марта мўтадил ўсишга эришган мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Ўзбекистон пахтаси эса “Болалар меҳнати ёхуд мажбурий меҳнатдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар рўйхати”дан чиқарилди. Бундан ташқари, БМТнинг Одам савдоси бўйича 2019 йилги ҳисоботида айтилишича, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида бюджети 26 миллион АҚШ долларлик “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш фонди” тузилгани ижобий қадам сифатида олқишланган.

Пахта йиғим-терими илгари бир қанча хорижий ташкилотлар томонидан мажбурий меҳнат сифатида қайд этиб келинган бўлса, ҳозирда олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳолини мавсумий иш билан таъминлаш воситасига айланмоқда. Хусусан, бу борада жойларда теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш ҳамда пахта етиштирувчи хўжаликларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Шунинг билан бирга, пахта хом ашёсининг қўлда терилган бир килограмми учун 650 сўмдан 1000 сўмгача, ишчи кучи етишмайдиган ҳудудларда, хусусан, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ҳамда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг айрим туманларида 1300 сўмгача меҳнат ҳақи тўланди. Шунинг билан бирга, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан пахта йиғим-теримида уюлмаган ёшларни вақтинчалик меҳнат билан банд қилиш, уларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган 190 та “Фидойи ёшлар отряди” ташкил этилиб, 32,568



нафар теримчи жалб қилинди. Мавсумий ишларга жалб этилган 28,552 нафар йигит-қизнинг вақтинчалик фаолияти меҳнат амалиёти сифатида инobatга олиниб, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Хорижда меҳнат қилаётган ўзбек мигрантларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш жамғармаси тuzилди. Бундан ташқари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш вақтида тазйиққа учраган, мажбурий меҳнат жабрдийдасига айланган, таҳқирланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволда шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ижтимоий ҳимоя қилади ва уларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашади.

Мамлакатда меҳнат муносабатларига оид ислохотлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилмоқда. Хусусан, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмасини ривожлантириш, ишсизлик даражасини камайтириш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш ҳам назарда тутилган.

Ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий база ҳам такомиллаштирилди. Хусусан, 2012 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Зўрлаб ишлатиш ёки Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир



шошилич чоралар тўғрисидаги конвенцияни 2012-2013 йилларда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги, 2018 йил 10 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Президентимизнинг 2019 йилнинг 30 июлида “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Бироқ, мамлакатимиз халқаро рейтингларда ўрнини кўтаришда мажбурий меҳнат билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада, мажбурий меҳнатнинг олдини олишда касаба уюшмаларининг ҳуқуқий ваколатларини, шунингдек Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ваколатларини кенгайтириш (суриштирув ваколатини бериш), ҳамда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш билан боғлиқ халқаро ҳужжатларда белгиланган давлат аҳамиятига молик ишларга аҳолининг жалб қилиниши мажбурий меҳнат деб эътироф этилмаслиги тўғрисидаги норманинг чегарасини белгилаш мақсадга мувофиқ. Меҳнат қонунчилигимизда мажбурий меҳнат ҳисобланмайдиган ишлар сирасига “Фуқаролик бурчига кирувчи иш ёки хизматларни бажариш” бандини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан ҳашарларни мажбурий меҳнат сифатида талқин қилиб келаётган халқаро ташкилотларнинг эътирозларидан халос бўлган бўлар эдик. Бундан ташқари, халқаро нормалар ва миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб, “Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.



**Шерзод
АБДУҚОДИРОВ,**
юридик фанлар
доктори, доцент

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА СУД ҚАРОРЛАРИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИ

Сўнги йилларда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида туб ислохотлар амалга оширилди, жумладан судьяларнинг ваколат муддати 5 йиллик, 10 йиллик ва муддатсиз давр этиб белгиланди, уларнинг молиявий таъминоти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилди, суд раисларидан судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш ваколатлари олиб ташланди.

Амалга оширилган ислохотлар натижа-сида ўтган уч йил давомида кўплаб фуқароларга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Баъзи ҳолатларда айрим прокурорлар томонидан агарда судья оқлов ҳукми ёки уларни қаноатлантирмайдиган қарор қабул қилган тақдирда ушбу суд қарорлари ва ишлари прокуратура томонидан ўрганилиб протестлар келтириш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бундай ҳолатни судьяга нисбатан руҳий босим сифатида баҳолаш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарурлиги, дастлабки терговда давом

этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш, эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш, энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушгандагина прокурор суд қарорини ўрганиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларни билдирди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” деб номланган 2-йўналиш 52-бандида судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, унда прокурор томонидан қонуний кучга кирган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ёки қарорлар бўйича ишларни иш юзасидан тарафлар мурожаати (прокурордан ташқари) бўлган ҳолдагина суддан ўрганиш учун олиш тартибини белгилаш назарда тутилган.

Шуларни инобатга олган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига прокурор фақат шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ёзма мурожаати асосида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ишларни суддан ўрганиш учун олиши ёки



ўрганишни рад этиши мумкинлиги, бунда прокурор ишни суддан ўрганиш учун олиш тўғрисидаги илтимосномасида иш қайси тарафнинг қандай важига баҳо бериш учун олинаётганлигини кўрсатган ҳолда тарафнинг ёзма мурожаатини илова қилиб ишни суддан сўраб олиши мумкинлиги, бу қоидага риоя қилмаслик суд томонидан прокурорнинг ишни ўрганиш учун олиш тўғрисидаги илтимосномасини рад қилишга асос бўлиши белгиланиши лозим бўлади. Бундан ташқари, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекслардаги суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқишда фарқ мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Суд қарорлари устидан назорат тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан шикоят берилса, шикоятни ўрганиб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси ўз ажрими билан суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида ёки шикоятни иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги қарорлардан бирини қабул қилади.

Прокурор томонидан суд қарорига нисбатан берилган протест киритилганда эса, суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида масала муҳокама қилинмасдан, протест иш билан бирга кўриб чиқиш учун тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатига ўтказилади. Бу эса тарафларнинг тенглиги ва суд ишларини юритишдаги тортишув принципига мувофиқ келмайди.


Шу сабаб прокурорларнинг суд қарорларига нисбатан протест келтириш ҳуқуқини тақдимнома киритиш деб белгиланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, “протест” атамаси юридик лугатларда бирон нарсага қатъи норозиликни билдирувчи расмий эътироз, амрнома, хоҳишига зид нарсани билдириш деб тушунилади ва қонун мазмуни бўйича кўриб чиқиш шарт бўлган ҳужжат ҳисобланади, “тақдимнома” атамаси эса, бирон-бир

маълумотни илтимоснома тарзида ифода-лайдиган расмий ҳужжат бўлиб, қонунда қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги қабул қилинадиган ҳужжатни ифодалайди.

Тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 34-35-моддаларига тегишли ўзгартириш киритиб, унда прокурор ишни фақатгина моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаси бузилган ҳолатига баҳо бериш мақсадида суд қарорига тақдимнома киритиш учун олиши мумкинлиги, суд қарорига тақдимнома киритиш учун асослар мавжуд бўлмаганда ишни текширган прокурор асослантирилган хулоса тузиб, у тақдимнома келтириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан тасдиқланиб, ишга қўшиб қўйилиши ҳамда бу ҳақда илтимосномага кўра иш ўрганиш учун олинган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга хабар берилиши, иш эса судга қайтарилишини кўрсатиш лозим бўлади.

Шунингдек, суднинг қарорига тақдимнома киритиш учун асослар мавжуд эмаслиги ҳақидаги фақат бир марта хулоса тузилиши, бу юзасидан норози тараф томонидан юқори турувчи прокурорга ёки суд қарорига нисбатан шикоят қилиниши мумкинлиги, ишни ўрганиш учун олишнинг рад этилиши устидан эса, юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланиши лозим бўлади.





Бундай мазмундаги нормани процесуал кодексларга, жумладан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал, Фуқаролик процесуал, Иқтисодий процесуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, амалдаги Ўзбекистон Республикасини “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 34- 35-моддаларини куйидаги янги тахрирда бериш таклиф қилинади:

34-модда. Ишларни суддан чақириб олиш тартиби

Прокурор фақат шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ёзма мурожаати асосида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ишни суддан ўрганиш учун олиши мумкин. Бунда прокурор ишни суддан ўрганиш учун олиш тўғрисидаги илтимосномасида иш қайси тарафнинг қандай важиге баҳо бериш учун олинаётганлигини кўрсатган ҳолда тарафнинг ёзма мурожаатини илова қилиб, ишни суддан сўраб олиши мумкин. Бу ҳолдаги роя қилмаслик суд томонидан прокурорнинг ишни ўрганиш учун олиш тўғрисидаги илтимосномасини рад қилишига асос бўлади. Прокурор ишни фақатгина моддий ёки процесуал ҳуқуқ нормаси бузилган ҳолатига баҳо бериш мақсадида суднинг қарорига тақдимнома киритиш учун олиши мумкин.

Суд қарорига тақдимнома киритиш учун асослар мавжуд бўлмаганда ишни текширган прокурор асослан-тирилган хулоса тузади, хулоса тақдимнома киритиш ваколатига эга бўлган шахс томонидан тасдиқланиб, ишга қўшиб қўйилади. Бу ҳақда илтимосномасига кўра иш ўрганиш учун олинган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга хабар берилди, иш эса судга қайтарилади.

Суднинг қарорига тақдимнома киритиш учун асослар мавжуд эмаслиги ҳақида фақат бир марта хулоса тузилади, бу хулоса юзасидан норози тараф томонидан юқори турувчи прокурорга ёки суд қарорига нисбатан шикоят қилиниши мумкин. Ишни ўрганиш учун олишнинг рад этилиши устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Айблов хулосаси, айблов далолатномаси, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунига қадар ишни суддан чақириб олиш ҳуқуқига эга”.

35-модда. Суд қарорларига тақдимнома киритиш

Прокурор процесуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига тақдимнома киритишга ҳақли. Тақдимнома киритиш прокурорнинг ваколат доирасидан четга чиқиб кетадиган ҳолларда у тақдимнома киритиш тўғрисидаги таклиф билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этади”.

Президентимиз Мурожаатномада таъкидлаганларидек “Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир. Мен, Президент сифатида, судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман”.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ўзгартиришлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда тарафларнинг тенглигини ҳамда суднинг янада чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

БОЛАЛАРНИ МУНОСИБ ҲАЁТ ШАРОИТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАМАСЛИК ОҚИБАТИ

СУДДА ҚАНДАЙ КЎРИЛАДИ?

Болаларни муносиб ҳаёт шароитлари билан таъминлаш ота-онанинг энг муҳим бурчи ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 27-моддасига асосан аъзо давлатлар ҳар бир боланинг жисмоний, ақлий, руҳий камол топиши учун зарур бўлган турмушига бўлган ҳуқуқини тан оладилар.

Иштирокчи давлатлар миллий шароитлар ва ўз имкониятларидан келиб чиқиб, болаларни ота-оналари ёки уларни тарбиялаётган шахсларга кўмаклашиш учун барча зарур чораларни кўрадилар ва зарур бўлганда овқатланиш, кийим-кечак, турар-жой хусусидаги ҳуқуқларни амалга оширишни кўллаб-қувватловчи дастурларни молиялашга ёрдам берадилар.

Болаларни муносиб ҳаёт шароитлари билан таъминлаш ота-онанинг бурчи ҳисобланса-да, бу бурчни барча ота-она ҳам бир хил англамайди, ҳатто баъзи ҳолатларда эса бундан бош тартади. Натижада судларда турли низолар келиб чиқади.

Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларнинг судлар томонидан тўғри ҳал этилиши ота-оналарнинг ва болалар ҳуқуқларининг муҳофазасини, ота-оналарнинг болаларини тарбиялашдаги масъулиятлари оширилишини таъминлашга имконият туғдиради, ота-оналарнинг болалари манфаатларига зид бўлган ҳуқуқларидан фойдаланишларига барҳам беради, вояга етмаганлар қонунбузарликларининг олдини олиш чораларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқаётган суд тарафлар ўртасидаги болаларни ким билан яшашни, болани кимнинг тарбиясида қолдириш масаласини ҳал қилади. Бу борада судлар Оила кодекси нормаларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори тушунтиришларига риоя қиладилар.

Никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда эр ва хотин вояга етмаган болалари ким билан яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга

лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга доир келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

Ушбу нормада кўрсатилган масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, шунингдек ушбу келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд:

никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашни аниқлаши;

вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши;

эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши;

эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.





Одатда суд амалиётида никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъволарни қаноатлантиришда тарафлар болани ким билан қолиши борасида келишувга эриша олмайдилар. Натижада болани муносиб ҳаёт кечириш учун ота-онанинг қайси бири билан қолдириш суд олдида тўғри ечим топиши зарур бўлган ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли қарорининг 3-бандида, суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналар ўртасида бўлган уларнинг қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота-она мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозим. Бунда суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олган ҳолда, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларга нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшени ва ота-онадан қайси бирига кўнгил қўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларини, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг маълумот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини эътиборга олади.

Бундан ташқари, ота-она алоҳида яшаётган ҳолатларда болани у ёки бу ота-онага қолдириш ёки ота-онадан болани бошқа-

сига олиб бериш ҳақидаги ишлар ҳам кўп учрайди.

Оила Кодексининг 75-моддаси 5-қисмига кўра, ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Агар улар ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшени, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулоти тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Ушбу кодекснинг 76-моддаси 3-қисмига кўра, ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда айбдор ота-онага нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади. Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Суд амалиётига мурожаат этиб қуйидаги мисол орқали мавзуни таҳлил қиламиз.

Судга даъвогар Т.М. жавобгар Т.Ж. га нисбатан болаларнинг яшаш жойини белгилаш ва ўз тарбиясига олиб бериш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Ўз навбатида Т.Ж. даъвогар Т.М.га нисбатан болаларнинг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги қарши даъво аризаси берган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар Т.М.нинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилган, унга кўра:

- вояга етмаган 2011 йил 29 августда тузилган Р.У. ва 2013 йил 18 июнда тузилган Р.О. даъвогар онаси Т.М. тарбиясига олиб берилган. Т.Ж.нинг болаларнинг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги қарши даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб, жавобгар Т.Ж. апелляция шикояти билан мурожаат қилиб, унда ҳал қилув қарорини бекор қилишни ва қарши даъво талабини қаноатлантириш ҳақида қарор чиқаришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар 2010 йил қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар. Уларнинг биргаликдаги турмушларидан икки нафар вояга етмаган 2011 йил 29 августда туғилган Р.У. ва 2013 йил 18 июнда туғилган Р.О. исмли фарзандлари бор. Тарафлар ўзаро келишмовчиликлар сабабли 2018 йилнинг апрель ойидан буён бирга яшамайдилар.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2018 йил 9 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, отаси – Т.Ж. – вояга етмаган фарзандлари билан ҳар ойнинг биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10-00 дан 17-00 га қадар, ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи яшанба кунлари соат 10-00 дан 17-00 га қадар вояга етмаганларнинг онаси Т.М.нинг иштирокисиз кўришиш вақти белгиланган.

Т.Ж. ўзининг икки нафар фарзандлари билан кўришиш вақтида уларни ўзи яшаб турган уйга олиб келиб, номаълум сабабларга кўра онаси Т.М.га қайтариб олиб бормаган. Айни вақтда, вояга етмаган болалар отаси жавобгар Т.Ж.нинг тарбиясида.

Даъвогарнинг вояга етмаган болаларини ўз тарбиясига қайтариш ҳақидаги талаблари жавобгар томонидан рад қилинганлиги оқибатида у судга болаларини ўз тарбиясига олиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 23 сентябрдаги 23-сонли қарорининг 3-бандига кўра, суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналар ўртасида бўлган уларнинг қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозимлиги белгиланган.

Бунда боланинг ота-онадан қайси бирига боғлиқ қолганлиги, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлиги, болаларнинг ёшини ва ота-онадан қайси бирига кўнгли кўйганлиги, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлари, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатлари инobatта олиниши лозим.



Суд томонидан низони тўғри ҳал қилишда ота-онанинг тенглиги принципидан келиб чиқиб, болалар манфаатини инobatта олган ҳолда суд-психологик экспертизаси тайинланган бўлиб, экспертиза хулосасида вояга етмаганлар отасига муносабати ҳозирда хулқ-атвор кўринишида ижобий характерга, вояга етмаганларнинг онасига муносабати оилавий низолар фонидан неготив кўринишга эга бўлиб, болаларнинг ҳозирги вақтда онасига бўлган неготив муносабатларига отасининг таъсири бўлиши табиий эканлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди Оила кодексининг 73, 75-моддаларига, иш ҳолатларидан ва вояга етмаган болаларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, улар керакли зарурат билан таъминланган шароитда, она меҳри ва эътиборида тарбияланиши кераклиги, она парваришига муҳтожлигини ҳамда болаларнинг ёшини инobatта олиб, даъвогар М.Т.нинг даъво аризасини қисман қаноатлантириб, болаларни онаси М.Т.нинг тарбиясига олиб беришни, қарши даъво аризасини қаноатлантиришни рад этишни лозим, деб топган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қарорини асосли ва қонунийлиги сабабли ўз кучида қолдириш ҳақида ажрим қабул қилган.

Илҳом НАСРИЕВ,

*Судьялар олий мактабининг
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири*

Жўрабек КАРАБОЕВ,

Судьялар олий кенгаши аъзоси



**Бахтиёр
ИСРАЙЛОВ,**
Судьялар олий
мактаби
мустақил
изланувчиси

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Меҳнат муносабатларида ходим ва иш берувчилар бир-бирларига етказган зарари учун меҳнат қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Етказилган зарарни бундай қоплаш мажбурияти меҳнат ҳуқуқи бўйича моддий жавобгарлик деб аталади. Моддий жавобгарлик институти унинг мазмунини ташкил қилувчи нормаларнинг табақаланишига асосланувчи муайян тузилишга эга.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларида мажбуриятларнинг тарафлар томонидан бузилиши юридик жавобгарликни келтириб чиқаради. Бунда жавобгарликнинг муайян тури ҳуқуқбузарликни содир этган субъект, мулкӣ ҳуқуқбузарликнинг характери, қилмишнинг ижтимоӣ хавфлилик даражасига боғлиқ бўлади.

Меҳнат ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи фанларида меҳнат соҳасида иш берувчи моддий жавобгарлигининг ҳуқуқий табиати бўйича мунозаралар ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Цивилистик концепция айрим тарафдорларининг таъкидлашича, “фуқаролик жавобгарлик ҳуқуққа хилоф тарзда мулкӣ зарар етказишга олиб келиб, норма қайси ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлишидан қатъи назар мулкӣ зарар етказишга қаратилган ҳаракат муҳимдир”.

Бу каби муаммоларнинг долзарблиги ҳозирги мулк шаклларининг хилма-хиллиги шароитида меҳнат ҳуқуқининг ҳаракатланиш соҳасини аниқлаш билан боғлиқдир.

Ушбу муаммони иш берувчининг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги қонунчиликни ривожланиш тарихи ва ўтган ҳамда ҳозирги замон ҳуқуқ соҳасидаги олимларнинг қарашларини ўрганиш жараёнида моддий жавобгарлик масаласига ўзига хос ёндашувлар бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, 1971 йилда собиқ Иттифоқда Меҳнат қонунлари кодексининг қабул қилиниши билан унинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат нозларига бағишланган бобларида иш берувчининг моддий жавобгарлиги тўғрисида дастлабки нормалар назарда тутилган. Ушбу кодекснинг 159-моддасида қайд қилинишича, ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан соғлиғига шикаст ва зарар етказилганда, ходим меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, унга етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади. Меҳнат мажбуриятларини бажараётган вақтда ходим вафот этганда, зарар унинг қарамоғидаги муомалага лаётқатсиз шахсларга тўланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, ходимнинг соғлиғига шикаст етказиш ва вафот этиши муноса-

бати билан корхона, ташкилот, муассасаларнинг моддий жавобгарлиги масаласи Иттифоқдош республикаларнинг Фуқаролик кодекси, шунингдек, фуқаролик қонунчилигига тааллуқли махсус қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган. Демак, ушбу жавобгарлик тури ҳам меҳнат ҳуқуқи, ҳам фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинган.

Совет даврида меҳнат ҳуқуқи фанида моддий жавобгарликнинг таҳлили ҳар доим ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлигини фуқаролик ҳуқуқи бўйича мулкӣ жавобгарликдан ажратиш, чегаралаш мезонлари билан бошланган. Бундай ўзига хос хусусиятлар (яъни, чегаралаш мезонлари) сифатида зарар етказган субъектлар, моддий жавобгарликнинг асоси ва миқдори, зарарни қоплаш тартиби назарда тутилган.

Моддий жавобгарликнинг соҳавий табиатини аниқлаш бўйича катта эътибор О. Э. Лейстининг қарашларига кўра, моддий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил тури ҳисобланади. О. Э. Лейст моддий жавобгарликни фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликдан келиб чиққан деб ҳисоблаган.

Меҳнат ҳуқуқи бўйича эришилган кўп йиллик ижобий тажрибани ҳисобга олган ҳолда меҳнат ҳуқуқи нормалари бўйича иш берувчи ва ходимлар моддий жавобгарлигини умумий ва алоҳида ҳуқуқий тартибга солиниши шаклланди. Бу ўринда россиялик олимлар М. В. Лушникова ва А. М. Лушников томонидан илгари сурилган фикрлар диққатга сазовордир, яъни улар иш берувчи ва ходимнинг моддий жавобгарлигининг қуйидаги умумий белгиларини кўрсатиб ўтишган:

1) у ёки бу тарафнинг моддий жавобгарлиги меҳнат муносабатлари мавжуд бўлгандагина вужудга келади;

2) ҳар икки тараф учун бундай жавобгарликнинг вужудга келиши асоси бўлиб меҳнат муносабатларидаги мажбуриятларни айбли равишда бузиш ҳисобланади. Зарар етказишда меҳнат муносабатлари субъектининг айби йўқлиги уни моддий жа-

вобгарликка тортиш имконияти йўқлигини билдиради. Ушбу ҳолат ҳар икки тарафга бирдай тааллуқлидир;

3) тарафларнинг жавобгарлиги компенсациявий характерга эга бўлиб, ҳеч бир тараф жаримавий моддий жавобгарликка тортилмайди.

Маълумки, меҳнат шартномасининг фақат бир тарафи (яъни, ходим) учун маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқи берилган. Шунга мувофиқ маънавий зарар фақат иш берувчидан ундирилади. Амалдаги меҳнат қонунчилиги иш берувчига ходим томонидан етказилган маънавий зарарни қоплашни назарда тутмайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Озарбайжон Республикасининг Меҳнат кодекси (199-модда "ж" банди) ходимнинг қуйидаги ҳолатларда тўлиқ моддий жавобгарлигини ўрнатган, яъни иш берувчига етказилган маънавий зарар, агар унинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи, иш берувчининг шахсини қораловчи ёлғон маълумотлар тарқатиш, тухмат ва ҳақорат қилиш орқали тадбиркорлик фаолиятига жиддий зарар етказиш билан боғлиқ бўлса келиб чиқади. Шу ўринда М.В.Лушникова ва А.М.Лушниковларнинг фикрларини маъқуллаган ҳолда, яъни "бу ерда тарафларнинг икки томонлама моддий жавобгарлиги тамойили бузилмоқда". Ушбу ҳолатда қонун чиқарувчининг иш берувчининг номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқларини инкор қилиш асосли эканлиги ҳақидаги масала мунозаралидир, чунки ходим томонидан унинг ишчанлик қобилиятига салбий таъсир қилувчи маълумотлар тарқатилган бўлса ёки чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматнинг сифатсизлиги тўғрисида ёлғон маълумотлар тарқатилиши иш берувчининг ишчанлик обрўси, кадр-қимматининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Иш берувчи ва ходим меҳнат қонунчилигида назарда тутилган қоидалар бўйича моддий жавобгар бўлади, фақат улар бир-бири билан меҳнат муносабатлари орқали боғланган бўлиши лозим. Агар тарафлар ўртасидаги муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий характерда бўлса, яъни улар фуқаролик (пудрат, хизмат кўрсатиш ва б.) шартномалари орқали боғланган бўлса, тарафларни моддий жавобгарликка тортиш тартиби, шартлари ва асослари фуқаролик қонунчилиги нормалари билан белгиланади.

Меҳнат шартномаси тарафларнинг моддий жавобгарлигини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича келтириб ўтилган қиёслаш шуни кўрсатадики, меҳнат ҳуқуқида юридик жавобгарликнинг мустақил тури, яъни ходим олдида иш берувчининг моддий жавобгарлиги мавжуд.

Моддий зарарнинг вужудга келганлиги ва уни қоплаш тўғрисида иш берувчига ходим томонидан даъво қилишнинг зарур шартларидан



бири бўлиб иш берувчининг айби ҳисобланади. Амалдаги меҳнат қонунчилиги иш берувчининг айбига қонуний таъриф бермаган, шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур муаммо ўзининг қонуний ечимини талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 186-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси тарафларнинг моддий жавобгарлиги Меҳнат кодексига бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, бир тарафнинг бошқа тарафга нисбатан ғайриҳуқуқий айбли хулқ-атвори (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) натижасида келиб чиқади. Ўзига етказилган зарарни исботлаш мажбурияти меҳнат шартномасининг ҳар бир тарафига юклатилган бўлиб, буни М. В. Лушникова ва А. М. Лушников ўз тадқиқотларида тўғри таъкидлаганидек, айбсизлик презумпцияси кўринишидан бошқа нарса эмас. Шу билан бирга юқоридаги олимларнинг таъкидлашича, ходимга нисбатан бундай презумпция шубҳа уйғотмайди, лекин иш берувчига нисбатан бир қанча шубҳалар бор.

Биринчидан, иш берувчи меҳнат ҳуқуқининг субъекти эканлигини ташкил қилувчи зарурий элементлар бўлиб, унинг мулкий мустақиллиги, ходимларга ҳақ тўлашга қобилиятлиги, моддий зарарни қоплаш имконияти ҳисобланади.

Иккинчидан, меҳнат муносабатларида ходимнинг тенгсиз ҳолати, яъни унинг иш берувчи ҳокимиятига бўйсунуши ўзига етказилган зарар миқдорини аниқ исботлаш имконини бермайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, иш берувчининг ходим олдидаги моддий жавобгарлиги муносабатларида иш берувчининг айбдорлиги презумпциясини легаллаштириш зарурлиги тўғрисидаги қарашлар билан келишиш лозим. Бу шуни англатадики, иш берувчи ходимга етказилган зарар учун моддий жавобгарликдан қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ўзининг айбсизлиги билан зарар вужудга келганлигини исботлаб берса, жавобгарликдан озод этилади.



**Жўрабек
НЕЪМАТОВ,**
юримдик фанлар
доктори,
Тошкент
давлат юримдик
университети
доценти

МАЪМУРИЙ СУД ИШ ЮРИТУВИДА СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИК

Маъмурий судлар ўз табиатида кўра фуқаролар ва юримдик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқишга қаратилган. Бироқ, маъмурий судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш мазкур судларнинг асл табиатида мувофиқ келмайди.

Ушбу масала 2020 йил Давлат дастурида 2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилиши сифатида ўз ечимини топди[1].

Лекин судловга тааллуқлилик масаласида ҳали баъзи бир баҳсли жиҳатлар мавжуд деб ҳисоблаймиз. Қуйида уларнинг айримлари хусусида фикр юритилади.

Биринчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар, қоида тариқасида, маъмурий суд иш юритувида тааллуқли бўлиши лозим. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддаси 1-қисми 1-бандида иқтисодиёт соҳасида юримдик шахслар ҳамда юримдик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар иқтисодий судларга тааллуқлилиги ўрнатилган. Бу эса маъмурий суд ишлари тааллуқлилиги билан но-мувофиқлиликни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам иқтисодий судларга тааллуқли ишлар доирасидан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишларни чиқариш таклиф этилади.

Иккинчидан, Иқтисодий процессуал кодексининг 27-бобида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш (215-222 мод-

далар) масаласи ҳам муаммоли ҳисобланади. Аслида ушбу тоифадаги ишлар мазмунига кўра, аксарият ҳолларда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган масалаларга оид бўлади. Жумладан, назорат қилувчи органлар муружаати асосида фаолиятни тугатиш, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш, фаолиятни чеклаш, тўхта-тиб туриш ва тақиқлаш, банклардаги ҳисобва-рақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш кабилар аслида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган ишлардир. Чунки, бунда маъмурий орган ва манфаатдор шахс ўртасида маъмурий-ҳуқуқий фаолият билан боғлиқ муносабатлар энг асосий аҳамият касб этади.

Маъмурий судларда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишда низосиз ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Яъни, тадбиркорлик субъекти лицензия талаб ва шартларини қўпол тарзда бузганлиги фактини тан олса ва назорат қилувчи орган томонидан кўриладиган таъсир чорасига нисбатан эътироз билдирмаса, низо мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Гарчи низо мавжуд бўлмаса-да, амалдаги қонунчиликда бу тоифадаги ишлар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Демак, низосиз ишларнинг судларда кўрилмаслиги ва маъмурий органлар қарори асосида низоли ишларгина судда кўрилиши тўғри бўлади. Бироқ, мамлакатимизда ҳозирча низоли ва низосиз ишлар ҳам судда кўрилиш амалиёти мавжуд. Фикримизча, аслида маъмурий-ҳуқуқий муносабат доирасидаги “ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш” тоифасидаги ишлар маъмурий судларга тааллуқли бўлиши мантиқан тўғри бўлади.



Бундан ташқари, маъмурий суд иш юритувида, қоида тариқасида, ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар аризачилар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (кейинги ўринларда МСИЮТК деб юритилади) (МСИЮТК 40-модда) бўлиши мумкин. Бироқ, МСИЮТК 24-бобига асосан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритишда судга тегишли давлат органининг мансабдор шахси мурожаат қилади. Демак, маъмурий судга айрим истисноли ҳолларда маъмурий органлар ҳам мурожаат қилиши мумкин. Фикримизча, бу масалада ҳам энг асосий мезон ишнинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқётганлигими ёки йўқми, деган жиҳатига қараш тўғрироқ бўлади.

Учинчидан, маъмурий судлар амалиётида аслида икки фуқаро ўртасида вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий низони маъмурий судда кўриб чиқиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Мисол учун, низоли ер майдони юзасидан кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришни рад этган кадастр органи ҳаракатларидан норози бўлиб, фуқаро ариза билан маъмурий судга мурожаат қилмоқда. Бунда фуқаро А.Р. ҳоким қарори асосида ўзига тегишли бўлган ер майдони юзасидан кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришни, ўзаро низоли бўлган уй-жойни кимга тегишли эканлигини маъмурий суд иш юритуви орқали аниқлаштириб беришни талаб қилмоқда. Лекин, аслида, кадастр органи низоли уй-жойни кимга тегишлилигини аниқлаштириб беролмайди ва ноаниқ (низоли) масалада уй-жойни расмийлаштириб бериш бўйича маълум бир ҳаракатларни ҳам амалга ошира олмайди.

Демак, бу масалада гарчи кадастр органи ҳаракатларидан норози бўлиб маъмурий судга мурожаат қилинган бўлсада, бироқ моҳиятан тарафлари иккита фуқаро бўлган уй-жой низоси фуқаролик ишлари бўйича суднинг судловига таллуқли бўлади.

Тўртинчидан, маъмурий судга, қоида тариқасида, жисмоний ва юридик шахслар мурожаат қила олади. Давлат органлари эса ариза билан мурожаат қила олмайди, чунки давлат органлари ҳокимият ваколатига эга бўлади ва амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида суд қарорисиз ҳам ўз ҳақларини амалга ошириш имконига эга бўлади.

Бешинчидан, тегишли маъмурий актни “бекор қилиш” тўғрисидаги талабларнинг маъмурий судга тааллуқлилиги масаласи мавжуд. Мамлакатимизда 2017 йил 1 июндан маъмурий судлар тизими жорий этилгунга қадар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар фуқа-



ролик ва ҳўжалик судлари томонидан кўриб келинган. Мазкур судлар амалиётида ҳам асосан икки хил мазмундаги ариза (шикоят) билан мурожаат қилиш амалиёти мавжуд эди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2016 йил 17 июндаги 298-сонли қарори 7-банди иккинчи хатбошисига кўра, “Давлат органлари, шу жумладан назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан текшириш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномаларни (товарларни ва ҳужжатларни вақтинча олиб қўйиш тўғрисидаги далолатномаларни, маълумотномаларни, хулосаларни, баённомаларни ва ҳоказоларни), мансабдор шахсларнинг берган топшириқларини (оғзаки ёки ёзма кўрсатмаларини, хатларини), шунингдек бирон-бир ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайдиган бошқа ҳужжатларни (масалан, ер участкасини танлаш далолатномасини, хулосасини, суд ижрочисининг мулкни кўздан кечириш далолатномасини ва ҳоказоларни) ҳақиқий эмас деб топиш, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини бекор қилиш, ноқонуний (қонунга хилоф), қонуний деб топиш, бекор қилинган ҳужжатни ўз кучида қолдириш, мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ҳақиқий эмас деб топиш, бекор қилиш каби талаблар судда кўриб чиқилмайди”. Бу албатта маълум бир қонун матнларидаги нормаларнинг ўзгача талқин этилмаслигига сабаб бўлади.

Бироқ, бир қатор қонун ҳужжатларида маъмурий актни “бекор қилиш” талаби билан судга мурожаат қилиш мумкинлиги ҳам мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 157-моддасига кўра, солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан ушбу Кодексда белгиланган талабларга риоя этмаслик юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан солиқ органининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин. Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тартиб-таомилининг бошқача бузилишлари ҳам, агар бундай қоидабузарликлар солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ғайриқонуний қарор қабул қилишга олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, юқо-

ри турувчи солиқ органи ёки суд томонидан солиқ органининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 59-моддасига кўра, қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжатлар фақат суд тартибида бекор қилинадиган ёки ўзгартириладиган ҳоллар назарда тутилиши мумкин. Манфаатдор шахснинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи суд тартибида кўриб чиқилади.

Бу борада Германия, Япония каби бир қатор ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам маъмурий актни бекор қилиш талаби маъмурий суд иш юритуви доирасида кўриб чиқилиши мумкинлиги назарда тутилади. Шунга кўра, маъмурий суд иш юритувида фуқароларнинг тегишли аризаларида “бекор қилиш” талаби мавжудлигининг ўзи маъмурий судловга тааллуқлиликни истисно этмайди. Бундан ташқари, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун асосида маъмурий акт (мисол учун, тегишли маъмурий орган қарори)нинг ҳақиқий эмаслиги ва бекор қилиниши иккита ҳар хил тушунча сифатида келтириб ўтилади. Маъмурий актни бекор қилиш ва ҳақиқий эмаслиги асослари бир-биридан фарқ қилади[2].

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига кўра, сайловни ўтмаган деб топиш, такрорий сайлов ўтказиш каби талаблар маъмурий судга тааллуқли эмас[3]. Маъмурий судлар тегишли сайлов комиссиялари қарорларини ҳақиқий эмас деб топиши ва тегишли комиссиялар (аъзолари)нинг ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиши мумкин. Фуқароларнинг аризалари ҳам фақат мана шу талаблар асосида келтирилади.

Еттинчидан, МСИЮтКнинг 27-моддаси доирасида нотариал ҳаракатни амалга ошириш,

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар ҳам маъмурий судга тааллуқлидир. Бирок, амалда нотариус томонидан, мисол учун, уй-жой олди-сотди шартномаси тарафларнинг хоҳиши асосида тузилиб тасдиқлаб берилади. Кейинчалик низоли ҳолат юзага келиб, нотариуснинг тегишли шартномани тасдиқлашда ифодаланадиган ҳаракатини ғайриқонуний деб топиш юзасидан маъмурий судга шикоят этилади. Лекин, аслида низонинг асосида фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ва мазкур муносабат доирасидаги низо келиб чиқмоқда. Нотариус бор-йўғи шартномани ўрнатилган тартиб асосида тасдиқлаб беряпти, холос. Нотариус (нодавлат нотариал идоралар ҳам) маъмурий орган бўладими ёки нотариус маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширадими, албатта йўқ. Демак, ушбу тоифадаги ишларни маъмурий суд тааллуқлигидан чиқариш лозим.

Саккизинчидан, давлат ижрочисининг қарори ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар ҳам маъмурий судловга тааллуқли эканлигини эътиборга олиш лозим. Чунки, МСИЮтКнинг 186-моддасида “Давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўн кун ичида судга берилиши мумкин”лиги назарда тутилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунининг 86¹-моддасини ўзгартириш ва МСИЮтКнинг 186-моддасига мувофиқлаштириш лозим. Зеро, давлат ижрочиси фаолияти маъмурий-ҳуқуқий фаолият бўлади ва ундаги маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) устидан суд назорати айнан маъмурий судлар томонидан амалга оширилиши лозим.

Тўққизинчидан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судга тааллуқли, бироқ бу борада суд амалиёти деярли мавжуд эмас[4]. Солиқ кодексининг 3-моддасига кўра, “ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органлари бу ҳужжатни бекор қилишга ёки унга зарур ўзгартишлар киритишга ҳақли. Бу органлар ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилишни ёки унга зарур ўзгартишлар киритишни рад этган тақдирда, у суд томонидан ҳақиқий эмас деб


*Тенглик ва адолат
ҳукм сурган жойда
сотқинлик, алдамчи
эҳтирослар ва гам-гус-
са бўлмайди.*

**Абу Райҳон
БЕРУНИЙ**

топилиши мумкин”. Албатта мазкур нормада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатдан ташқари бошқа турдаги солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам мавжудлиги назарда тутилмоқда. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси мазмунига кўра, Конституциявий суд бир қатор ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори каби идоравий норматив-ҳужжатлар қаторига кирмайдиган, қонун ости ҳужжати Солиқ кодексига мувофиқ бўлмагани юзасидан қайси судга мурожаат қилиш мумкин. Бу тоифадаги ишларни Конституциявий суд судловига тааллуқли дейиш имконсиз. Зеро, масала тегишли ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги юзасидан эмас, балки Солиқ кодексига номувофиқлиги юзасидан келиб чиқмоқда. МСИЮТКнинг 27-моддасидаги “идоравий” сўзи масалага узил-кесил жавоб беришни мураккаблаштиради. Фикримизча, мазкур ишлар ҳам аслида маъмурий суд судловига тааллуқли бўлиши керак. Бу эса МСИЮТКнинг 27-моддасига тегишли ўзгартириш киритишни тақозо қилади.

Ўнинчидан, маъмурий суд ишларини юришда маъмурий ҳуқуқ нормаларига асосланиш муҳим ҳисобланади. Франция, Германия каби маъмурий судлар тизимига асос солган ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, маъмурий судлар фуқаролик ҳуқуқи нормаларидан алоҳида бўлган – маъмурий ҳуқуқ нормаларига таяниб иш кўришган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарорининг 18-бандига кўра, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларини қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш тўғрисидаги ишларни кўришда, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг даъво муддати тўғрисидаги нормаларини қўллашга ҳақли эмас ва фақат МСИЮТК ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларда назарда тутилган муддатларгагина асосланиши керак. МСИЮТКнинг 186-моддасида 3 ойлик, бошқа қонун ҳужжати мисол сифатида Сайлов кодексининг 86, 96, 102-моддаларида эса 10 кунлик шикоят муддатлари белгиланган. Демак, маъмурий суд ишларини юришда маъмурий ҳуқуқ нормаларига таяниш лозим.

Ўн биринчидан, давлат хизматига оид низо-лар ҳам маъмурий суд судловига тааллуқлидир. Жумладан, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига кўра “давлат хизматини ўташ” маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга



киритилмаган. Бироқ, давлат хизматига кириш, ундан чиқиш каби давлат хизматини ўташга кирмайдиган низоли масалалар маъмурий судларга тааллуқли бўлади. Бундай ишларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабат доирасида ҳам жисмоний ва юридик шахсларга оид меҳнат муносабатлари доирасида ҳам кўриб чиқиб бўлмайди. Хорижий давлатларда судьяларга интизомий жазо қўллаш, прокуратура органлари ходимлари, ички ишлар органлари ёки турли вазирлик-идоралар давлат хизматчиларини хизматдан бўшатиш каби меҳнат шартномасига асосланмаган муносабатларга оид ишлар айнан маъмурий судлар судловига тааллуқли эканлиги белгиланганини кўриш мумкин. Мисол учун, Россия Федерациясида судьяларга интизомий жазо қўллашга оид низоли ишлар маъмурий судловга тааллуқлидир.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, маъмурий судлар мамлакатимизда нисбатан янги судлар ҳисоблангани боис, судловга тааллуқлилиқ борасида юқорида таҳлили келтирилган масалалар муҳим аҳамият касб этади ва келгусида ҳам бу борадаги қонунчилик, суд амалиёти ҳамда маъмурий судловнинг илмий-назарий асосларини такомиллаштириб бориш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг.: Неъматов Ж., Астанов Ш. Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни судда кўришни ислох қилиш масалалари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2020. – № S12. – 359–364-бетлар.
2. Қаранг.: Неъматов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил: Монография. – Т.: Lesson Press, 2018. – 199-б.; Неъматов Ж. Н. Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. – 27-28 бетлар.
3. Қаранг.: Неъматов Ж. Сайлов қонунчилиги оид суд ишларини юришнинг ўзига хос хусусиятлари // Одил судлов журнали. – 2019. – № 11. – 12–16 бетлар.
4. Қаранг.: Артиков Д. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юришнинг ўзига хос хусусиятлари. // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2020. – № 4(5). – 40–47 бетлар.; Неъматов Ж. Фуқаронинг маъмурий судга шикоят қилиш ҳуқуқи чекланиши мумкинми (судловга тааллуқлилиқнинг айрим жиҳатлари таҳлили) // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2020. – № S4. – 212–224 бетлар.



**Сухроб
ЮЛДОШЕВ,**
Миробод туман
маъмурий
судининг раиси

СУД КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИҚДА АЙБЛАНГАН ШАХСНИ АЙБСИЗ ДЕБ ТОПДИ

Суднинг энг асосий вазифаси жамиятда адолатни қарор топ-тириш бўлиб ҳисобланади. Зеро, бугун Ўзбекистон тараққиётида амалга ошириляётган барча ислохотларнинг туб замирида ҳам адолатли жамият барпо этиш гоёси туради.

ИИБ ЙХХБ ва Миробод туман санитария-эпидемиология назорати инспекторлари томонидан карантин қоидаларини бузганликда айбланган ҳайдовчи суд қарори билан айбсиз деб топилди. Фуқаронинг автомашинаси жарима майдонида қонунга хилоф равишда сақлаб турилган.

Чирчиқ шаҳрида яшовчи фуқаро М.В. болалигидан 2-гуруҳ ногирони, парваришга муҳтож “фалажнинг оғир симптоми” ташхиси асосида доимий муолажа олиб келган укаси М.Т.нинг касали хуруж қилганлиги сабабли 2020 йил 7 май куни ўзининг “Лада-2103” русумли автомашинасида дори-дармон излаб Тошкент шаҳрига келади.

Миробод тумани ҳудудида жойлашган “Рисовий” бозори қаршисида ИИБ ЙХХБ инспектори Ш. Атахатжаев томонидан М.В.га тегишли бўлган транспорт воситаси тўхтатилади ва Миробод туман санитария-эпидемиология назорати инспектори Д. Айматов томонидан М.В.нинг вазият юзасидан тушунтириши инobatга олинмасдан ва ҳақиқий ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилмасдан карантин қоидаларини бузганлиги ва махсус рухсатнома (стикерсиз) ҳаракатланганлиги учун маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси Миробод туман бўлимнинг жорий йил 13 май кунидаги қарорига кўра, М.В.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда МЖТК деб юритилади) 54-моддасининг 2-қисмига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари, яъни 4 460 000 сўм жарима жазоси тайинланади.

2020 йил 27 май куни фуқаро М.В.нинг санитария-эпидемиология назорати Миробод туман филиали томонидан чиқарилган қарорга нисбатан норози бўлиб келтирган шикоятни кўриб чиқилди.

Суд, Республика махсус комиссиясининг тегишли қарорини инobatга олиб, М.В.нинг болалигидан ногирон бўлган, ўзгалар парваришига муҳтож укаси М.Т.нинг ҳаёти ва соғлиги учун зарур дори-дармон воситаларини харид қилиш учун Миробод туман ҳудудидаги дорихонага келганлигини инobatга олиб, унинг ҳаракатларида МЖТК 54-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатларининг мавжуд эмаслиги сабабли, унга нисбатан бўлган маъмурий ишни МЖТК 271-моддасининг 1-бандига асосан ҳаракатдан тугатган.

Шу билан биргаликда, М.В.нинг бошқарувидаги транспорт воситаси ўша куни жарима майдонида қонунга зид равишда олиб бориб қўйилган деб топилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддаси талабига кўра, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган бўлиб, айнан мазкур кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун на ички ишлар органи, на давлат санитария-эпидемиология назорати органи томонидан ушлаб туриш, яъни автотранспорт воситасини жарима май-





дончасига олиб бориб сақлаш назарда тутилмаган.

Бирок, ИИБ ЙХХБ инспектори Ш. Атахатжаев ҳамда Миробод туман санитария-эпидемиология назорати инспектори Д. Айматовлар томонидан ўтказилган тадбирда М. В. бошқарувидаги транспорт воситасида юқоридаги қонун талабларига зид равишда жарима майдончасига кўйилиши, транспорт воситаси 2020 йил 7 май кунидан 27 май кунига қадар 20 кун мобайнида жарима майдончасида сақланиши, шунингдек, у автомашинасини жарима майдонидан олиб чиқиши учун ортиқча сарф-харажат қилганлиги, сарсон-саргардон бўлганлиги оқибатида, унинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари кўпол равишда бузилган.

Суд фуқаро М.В.га бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтириб бериб, маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги талаб билан фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза киритишга ҳақли эканлигини тушунтирган.

Шунингдек, суд томонидан қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли таъсир чоралари кўриш ва келгусида бу каби қонун бузилиши ҳолатига йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида Тошкент шаҳар ИИБ ЙХХБ ҳамда Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармасига тақдимнома киритилди.

Ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти шароитида ҳеч бир фуқаро ноҳақ айбланмаслиги, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига путур етказилмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъбири билан айтганда, халқимиз ҳамма нарсадан устун кўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт.

**Абдуманнон ШАЙДОЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Бухоро
вилоят суди раиси ўринбосари:**

– Муҳтарам Президентимиз раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Тошкент давлат юридик университетларига **“Инсон қадр қиммати – энг олий қадрият” махсус ўқув модели** бўйича барча ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини ўқитиш вазифаси юклатилди. Ушбу махсус ўқув модели бўйича ўқув ташкил этиш масаласи бежиз илгари сурилган эмас, албатта. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, бу – янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши **“инсон манфаатларини амалда таъминлаш”** ғоясининг рўёбига хизмат қилади. Иккинчидан, сўнги йилларда баъзи ҳуқуқ-тартибот органларининг инсон ҳуқуқларига зид хатти-ҳаракатларига барҳам беради. Президентимиз видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. “Андижон шаҳар ва Чироқчи туман ички ишлар идораларида яқинда содир бўлган фожиали ҳолатлар тизим раҳбарларини уйғотиши, аниқ хулосалар қилишга чорлаши керак. Ҳозирда жиноятларга алоқадор 11 нафар ички ишлар ходимлари қонун олдида жавоб бермоқда. 7 нафар раҳбар лавозимидан озод этилди, яна 16 таси интизомий жавобгарликка тортилди.”

Энди тасаввур қилинг, аслида улар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга масъул органлар бўлиб ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифалари адолатсизликка қарши кураш бўлиши керак. Шунинг учун, бу салбий ҳолатлар кенг жамоатчилик томонидан жуда қаттиқ танқид остига олинди.

Минг афсуски, биз судьялар фаолиятида ҳам баъзи бир хато ва камчиликлар учраб турибди. Ўрни келганда, тан олиб айтиш керакки, барча судьялар ҳам фаолиятига мана шу нуқтаи назаридан ёндашаётгани йўқ. Шунинг учун, Давлатимиз раҳбари томонидан ҳақли равишда танқид қилинганидек, айрим судьялар томонидан чиқарилган қарорлар юқори турувчи суд инстанцияларида бекор қилинапти. Бунинг оқибатида баъзи бир фуқароларимизнинг узок муддат давомида сарсон бўлиб юришига сабаб бўлмоқда. Судья чиқарган қарор, албатта қонуний, адолатли ва ҳар томонлама асосли бўлиши керак. Ана шундагина биз халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаган бўламиз.

Қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат, очиқ, кучли фуқаролик жамиятида суд ҳокимияти адолатнинг қарор топишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу эса, албатта, бугунги кун судьясидан юксак тафаккур, кенг дунёқараш, билим ва катта ҳаётий тажриба талаб этади. Мана шу маънода биз судьялар ҳар бир иш бўйича суд ҳужжатларини фақат қонун талаблари асосида чиқаришимиз шарт.



Нозима ЗАХИДОВА,
Судья Миrabадского
межрайонного суда
по гражданским
делам

УСЫНОВЛЕНИЕ (УДОЧЕРЕНИЕ) – СЛОЖНЫЙ ПРАВОВОЙ ИНСТИТУТ

Принятие Семейного кодекса Республики Узбекистан 30 апреля 1998 года заложило основу современного правового регулирования усыновления (удочерения) детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей. В соответствии с его положениями принят ряд подзаконных нормативно-правовых актов по вопросам усыновления (удочерения).

Однако анализ правоприменительной практики, действующего законодательства об усыновлении детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей, позволил выявить негативные стороны правового регулирования процесса усыновления, что требует внесения изменений и дополнений в законодательные акты в целях их совершенствования.

Все мы знаем, как велико значение семьи в жизни каждого человека, общества и государства. Именно семья для каждого человека — неисчерпаемый источник любви, преданности и поддержки. В семье закладываются основы нравственности, духовности и терпимости. Здоровая, крепкая семья — залог стабильности и процветания любого общества.

Семья — это та общественная структура, в которой прежде всего происходит воспроизводство человека как члена общества. Именно в семье первоначально складывается мировосприятие человека, формируются его социальные качества.

Усыновление (удочерение) — сложный правовой институт. От правильного выбора усыновителя, семьи, в которую передается ребенок, зависит его судьба. Наиболее важной, имеющей приоритетное значение считается защита прав и интересов ребенка, его надежнее семейное воспитание.

Усыновление (удочерение) — форма семейного воспитания детей, лишённых родительской опеки, с установлением между усыновлённым и усыновителем правовых (личных и имущественных) отношений, существующих между родителями и детьми.

В действующем семейном законодательстве отсутствует понятийный аппарат определения усыновления. Вместе с тем в Семейном кодексе Республики Узбекистан используется понятие «формы устройства» детей, оставшихся без попечения родителей.

Так, ст. 150 СК Республики Узбекистан, регламентирующая устройство детей, оставшихся без попечения родителей, устанавливает, что дети, оставшиеся без попечения родителей, подлежат передаче на воспитание в семью (на усыновление, удочерение, под опеку, попечительство или в приемную семью), а при отсутствии такой возможности — в учреждения для детей-сирот или детей, оставшихся без попечения родителей (воспитательные учреждения, лечебные учреждения, учреждения социальной защиты населения и другие аналогичные учреждения).

До устройства детей, оставшихся без попечения родителей, на воспитание в семью или в учреждения, указанные в части первой настоящей статьи, исполнение обязанностей опекуна (попечителя) детей временно возлагается на органы опеки и попечительства.

Анализ данной статьи позволяет сделать вывод о том, что понятие «форма устройства» в СК Республики Узбекистан является неточным и некорректным.

Далее, ст. 194 СК Республики Узбекистан, определяет понятие патронат, то есть дети, передаваемые на воспитание в приемную семью, согласно которому на воспитание в приемную семью передаются несовершеннолетние дети, оставшиеся без попечения родителей, в том числе находящиеся в воспитательных и лечебных учреждениях, а также учреждениях социальной защиты населения.

Получается, что патронатное воспитание является такой формой устройства, в рамках которой сочетаются элементы опеки и попечительства и собственно патронатного воспитания, то есть оно включает в себя функции двух форм устройства детей, оставшихся без попечения родителей.

По смыслу СК усыновление в настоящее время должно рассматриваться как одна из форм воспитания и одновременно как приоритетная форма устройства ребенка, оставшегося без попечения родителей.

